

ТОНИ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 68-69 (6908-6909)
1998 йил 30 август, якшанба

Сотувда эркин
нархда

Ватан — бу юрак, кўз нури, зиёси, завқ-шавқ, меҳр, томирларда кўприб, жўш уриб турган қондир.

Ватан — бу шуур, гурур, шон-шаараф, пок

МЕН СЕНИНГ БИР ЗАРРАНГМАН, ВАТАН!

В и ж -
дон, иймон,
ор-номус ва оламга
кўз очганинг ошенинг,
едириб, кийдирувчи
муътабар заминдир.

Ватан — бу она-отадир,
меҳрибон муаллим, ҳеч

бир нарсага тенглаштириб бўлмайдиган бебаҳо бойлик, йўлни ёритгучи машъала, эъзозлаб, улуғловчи гузал диёрдир.

Унинг
меҳридек буюкроқ меҳр,
унинг соғинчидек соғинч
топилмас дунёда.

Ватан ҳавоси, Ватан навосидек наво қайда бор?

Ватанни муқаддас билмоқ, онани муқаддас билмоқликдир. У она меҳри,

она дийдоридек азиз ва бебаҳо дир.

Ватанни севмоқлик, ўзлигин севмоқлик, уни эъзозламоқ, ўзлигин англамоқликдир. Ватан деб аталгучи муқаддас

з а -
миннинг
ҳар зарра тупроғи
гардини кўзларга тутиб
билмоқлик ҳам фарз ҳам қарз дир...

Эй, она Ватан! Мен сенин бир заррангман. Сен менин

иқболим, шаъним, нажоткоримсан, буюклик тимсоли, ҳаёт-мамоту яшашлик рамзидирсан.

Сен менга орзу-истаклар қаноти, ҳаёт соҳилимсан.

Қалбим, жўш ур, кўпиргил, шу муқаддас она диёр учун қайгургил, гарлозим бўлса, Ватаним йулида жон фидо этгумдир. «Ватанни севмоқ иймондандир!» Билгил, Хадисдаги ушбу ҳикмат биз фарзандлар учун она сутидек азиз ва муътабардир!

Саид РАВШАН



ШУКРУЛЛО

БҲҲҲН ЮРТИМДА ИСТИҚЛОЛ

На молим бор, на
жоним бор,
Ўзим кимман, унутгандим!
Тилим гунг-у, дилим гунг-у
Аламни ичга ютгандим.

Ту таб милт этмади
ийлар,
Ҳазондек юртда истиқбол,
Нечун эркин нафас олмоқ
Агар йўқ бўлса, Истиқлол.

Дилим банди, тилим банди,
Умр бандликда ўтказдим.
Дилим ҳайқир, тилим
ҳайқир,
Худойим эркка етказди!

Овозинг борича ҳайқиргил.
Тирилганигни билсинлар!
Бутун мағриб-у маширқда
Темур зотин эшитсинлар!

Бугун юртимда Истиқлол!
Абад юртимда Истиқлол!



1991 йил 31 август

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

ИСТИҚБОЛГА ЙЎЛ

1991 йил 18 ноябрь

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат байроғи» тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

1991 йил 30 декабрь

Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланди.

1992 йил 2 март

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди.

1992 йил 2 июль

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасдиқланди.

1992 йил 8 декабрь

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.

1992 йил 10 декабрь

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясининг матни ва мусиқавий таҳрири тасдиқланди.

1994 йил 1 июль

Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — сўм муомалага киритилди.

1995 йил 21 декабрь


Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги (янги таҳрирда) қонуни қабул қилинди.

Мана, яна 1 сентябрь яқинлашмоқда Юртимизда қушалоқ байрам. Сентябрь арафасида учинчи синфга тайёргарлик кураётган қизимга қараб ҳавасим келади. У ҳар куни китобларни куздан кечиради. Едлаётган шеърларини такрорлайди. «Эҳ, тезроқ мактабим очилса эди» — деб қуяди.

...Мени эса ҳаёлларим олис болалик сари етаклайди. Ҳар йили мактаб очилиш арафасида отам мени бозорга олиб бориб янги кийим-кечак олиб берардилар. Оғимга оқ пайпоқ, оқ туфлича харид қилинар эди. Ажабо, бошқа кийимларнинг ранги алмашсада оёқ кийимининг ранги алмашмасди. Бу отажонимнинг хоҳиш-иродаси эди.

Едимда, туртинчи синфга утаётганимда ўқиш китобини ҳеч қайси дукондан топа олмадик. Аммо, мактаб очилишига бир кун қолганда отам ўқиш китобини қаердандир топиб келдилар. Мен севинганимдан қийқириб юбордим. Аслида отам мактаб очилгандан кейин ҳеч қачон менинг дарсларим билан қизиқмас, қайси фандан қандай баҳо олаётганман, текширмасди. Шунинг учун мен,

СИЗ — АЗИЗСИЗ, СИЗ — АЗИМ ДАРЁ



Таъзим

кузни қувонтирди... Ҳали ҳамон қаерда уша гулни учратсам ҳаяжон ва соғинч асири буламан. Дунёда гуллар куп аммо, сентябрь гуллари мен учун болалик ва бегуборлик тимсоли булиб қолади. Унинг гулларида соф туйгулар, шабнамдек тиниқ орзулар камол топадилар. Мен ҳар йили қулимда шу гуллардан жамланган гулдасталар билан мактабга борардим. Уқитувчимизга куп гуллар бериларди, лекин менинг гулларимнинг уз урни булакча, у синф деразаси олдидаги гулдонда узоқ сақланарди. Ҳадеганда қуриб қолмасди. Мен бундан гурурланардим. Биз у пайтлари ҳашамга уч эмас эдик. Қандай бўлса, сумка бўлса-ю, безакларсиз, ялтироқларсиз мактаб кийими бўлса булди эди. Муҳими эрта тонгда туриб муздек ариқ сувига ювинардим. Сунг нонушта қилиб булиб қулимга сумкамни олиб дарвозадан йулга чиқардим-да... тухтаб қолардим, шундоқ дарвозамиздан Қоратов тоғ тизмалари қуриниб турарди: «Салом тоғлар, мен мактабга кетаяпман. Менга куч— қувват беринг», — дея ҳайқирардим.

Энди эсласам, ҳайрон қоламан, чунки менинг шовқин-суронимга уйлағилар ҳам, қуни-қушни ҳам қуниқиб кетган эканлар.

Биров менинг шаштимни қайтармас, олдимдан утиб қолишса «Ҳа, мактабгами» — деб қуйишарди холос. Бу қувноклик фақат болаликда булиши мумкин холос... У биринчи сентябрь меники эди. Энди сиз — бахтиёр авлодники, сизнинг биринчи сентябрингиз. Уйлайманки, унинг қадрига етгайсизлар. Бу ҳаяжонлар, бу ҳайратлар сизга муборак булсин!

Оппоқ тонг отмоқда, унда оппоқ тилакли бир қизча гулларни қучоқлаб мактаб томон шошмоқда, унинг ушбу лаҳзаларини мусаввир булганимда тасвирлаб, номини «Эзгулик қасрига йул», деб қуйган булар эдим. Ҳар бир бола қалбига қулоқ тугтиб яшаётган муҳтарам зот — устозлар! Сиз уша мағрур тоғлардек баланд, азим дарёлардай улғуворсиз. Сиздан миннатдор умрим гузал саҳифалар очди. Уларнинг илкида — Сиз, қуркида — Сиз.

Агар ижодкор инсоният қарздор бўлса, у фақат сиздан қарздордир. Таъзимда бўлса — сизга таъзимдадир.

Зулфия МҮМИНОВА.

Assalom maktab
Men bu yil 3-sinfga otaman.
Bu oqib yilida dadajonim yangi
kitoblar sotib olib berdilar.
Kitoblarim juda chiroyli. Men
ularni avaylab tutaman.
Kitoblar uchun rahmat
dadajon.
Saodat Fikrat qizi
Toshkent shahar, Sirgali tumani
3-maktab, 3-sinf.

отам ўқишимга унча эътибор бермайди, деб уйлардим. Энди билсам, отам мени аёло баҳога ўқишимни билиб, узица мамнун юрар эканлар. Менинг ўқитувчиларим: жарангдор овозли Дилором Узоқова, Уралой Абдуллаева, меҳнаткаш Убайдулла Мамараҳимов, болаларнинг севимлиси Сайдулла Шукуров, барчанинг «идеал»и Омон Қодиров, яна қатор устозлар... уларнинг айримлари ҳозир нафақада, айримлари яна мактаб сари опшиқмоқда. Неча-неча оилаларнинг сулолаларига илм нурини сочмоқда бу буюк қалблар. Мен уларнинг садоқати фарзанд тарбияси деб, тошган нури муҳаббати олдида таъзимдаман. Юртимнинг қалби болаларидир. Демак, юрт сизга қалбини ишониб топширган. Ота-онанинг жони — болаларидир. Сиз шу жонни ардоқлайсиз, эзгуликка тулдирасиз. Бундан нозик, бундан оғир, шарафли юмуш борми оламда?!

Ҳовлимиз этагида сентябрь ойи яқинлашгач митти-митти оқ гуллар очиларди. Отам бу гулларни «Сентябрь гуллари» деб атардилар. Ҳозир ҳам уша гуллар чапшар уриб очилди. Ранг-баранг капалаклар ва асаларилар гулларга қуниб

БОЛАЖОН ҚУДАЖОНЛАР, БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

Фаргона деган жойда, Қува томондаги 11-мактабда жуда куп яхши ўқитувчилар бор. Шулардан Маҳкамовлар оиласини ҳамма билади, севади. Куча-қуйда юзлаб болалар уларга салом беришади.

Иброҳимжон Маҳкамов — йигирма йилдан ортиқроқ вақтдан бери математикадан дарс берадилар. Рафиқалари Иноятхон Маҳкамова бошлангич синфларни ўқитадилар.

Иброҳимжон қулиб-яшнаб турадиган, дарс бериб чарчамайдиган ҳисоб-китобни болаларнинг қулоғига қуйиб қуядиган муаллим. Эҳ-ҳе, Иброҳимжон ўқитган юзлаб йигит-қизлар ҳисобчилар, иқти-

содчилар зур математик олимлар, ўқитувчилар булиб етишдилар. Иброҳимжондан таълим олган болалар, албатта, турт, беш баҳога ўқийдилар. Чунки Иброҳим домла боланинг юрагига йул топа оладиган, болаларни севадиган устоз. Болага боладай гапириб, эринмай тушунтириб, қушимча дарслар утказиб, хуллас ҳар бирини математикага ошно қила олади.

Иноятхон эса болани қурса қузи яшнайдди. Ҳар бирини бағрига босиб меҳр улашади, илм беради.

Маҳкамовлар аввало яхши фарзандлар тарбиялаган рисоладаги ота-оналардан. Мен уларнинг Сайёра исмли қизларини келин қилиб, сира

кам булмадим. Одобу ҳаё, меҳнатсеварлик, катгаларга иззат-ҳурмат Сайёрахонга хос хислат. Сайёрахон ҳамшира. Беморларнинг ҳам, соғларнинг ҳам дил-дилига шифо бахш эта олади.

Мен бу хизматлари аёло, диллари пок, ҳурмати баланд ўқитувчи қудаларимни байрам билан муборакбод этаман!

Мустақил диёримизга мос авлодлар тарбиялашда асло-асло чарчаманг. Болалар билан ишлаб болалардек навқирон булаверинг!

Тошкентлик қудангиз
Санъат МАХМУДОВА.

КАСБИМ — ФАХРИМ МЕНИНГ

Ҳар гал бошлангич синф ўқувчиларимни юқори синфга кузатар эканман, куз олдимда полапонлари учирма булган она қалдирғочнинг осмонда болаларини кузатиб чарх уриб учаётгани келади. Ҳеч аҳамият берганмисиз болалари учирма булган қалдирғочнинг ҳаракатларига!

Таътил давомида уларни соғиниб, ҳаёлан гаплашаман.

— Азиз болажонлар! Мен сизларни билимдонлигингиз, дангасалигингиз, уйинқароқлигингиз — ҳамма-ҳаммаси билан яхши қураман.

Сизга қушиқ ургатганимда узим ҳам бола булиб сизга қушилишим — шундан.

Эҳ-ҳе, бари ортда қолди,
Машаққату-шодликларим.
Хотирага айланди-ку
Бирга айтган аёлларим...

Ҳаёт фақат шодликлардан иборат эмаслигини Сизга ургатмоқчи булдим. Эсингиздами, отаси ташлаб кетган болаларнинг ролини Дилбар ва Ойбек актёрлардек маромига етказиб ижро этмаседа, ҳаммамизни йиғлатди.

Сизнинг куз ёшларингизни қуриб, яна бир нималар дегим келди. Аммо тилим айланмади. Ҳозир эса сизларга ҳаминча бахтиёр ҳаёт тилайман. Мустақил Ўзбекистонимизни янада мустақамлашда уз ҳиссангизни қушишингизни хоҳлайман.

Бугун яна янги болалар синфимизни тулдириб турибди. Бу болажонлар учун «улкан» 4 та «довон» куз олдимга келади. Яна болалар билан биргаман. Яна ҳарфлар, сунгра сузлар... ва яна...

Мен эса буларнинг ҳаммасига қуниқиб қолганман, туғрироғи буларсиз турулмайман. Бошлангич синф ўқитувчиси, болаларнинг «Биринчи муаллими» булиш, уларнинг хотираларида бир умрга муҳрланиб қолиш мен учун жуда катта шарафдир.

Сайёра СУННАТОВА,
Тошкент вилояти, 25-мактаб
ўқитувчиси.

ЕТТИ МЎЪЖИЗАНИНГ БИРИ

Бухорога ташриф буюрган киши албатта унинг тарихий обидаларини, зиёратгоҳ манзилларни томоша қилади. Мен ҳам онам, дадамга эргашиб. Ҳар гал азиз шахримизни айланганда ўзимни бошқача сезаман, очиги гурурланиб кетаман. Онам ҳам, дадам ҳам жуда ажойиб ривоятлар, тарихий далиллар ҳақида гапирганда қулогимга қўйилиб қолади. Мен ўз тенгдошларимга дунёдаги барча болаларга Бухором ҳақида гапириб бергим келаверади. Менга шундай имконият яратиб берган, «Тонг юлдузи»га катта раҳмат.

Келинг, суҳбатни узоқ мезидан бошлайлик. Шаҳримиздаги энг катта истироҳат боғимизда Исмоил Сомоний мақбараси жойлашган. Сомонийлар кимлар бўлганлигини биласизми?

IX—XI асрда яшаб ўтган Сомонийлар сулоласини сардори шоҳ Исмоил жуда адолатли яхши одам бўлган экан. У Бухорохон хонлигини вафотидан сўнг ҳам 40 йил бошқариб турган, дейишади. Исмоилшоҳ даврида бухороликлар тенгсиз маданият ва маърифат, санъат асарлари яратган эканлар. Бухоро қалъаси девори (Кампирак девор ҳам дейилади) кенгайтирилиб қайта таъмирланган Минора ҳам уша даврда бунёд этилган экан. Исмоилшоҳ ўзи отасига атаб қурдирган мақбара 1100 йилдирки, ҳамон бирдай турибди. Уша давр меъморлари бинони шундай қуришганки, у қуёшнинг заррин нурлари сочила бошлаган субҳидамда Феруза рангда, қуёш тиккага келганда эса олтин рангда, шом чоғи узгача бир нафис рангда, оқшомда эса биллур каби товланиб туради. Одий гишлардан қурилган бу бинони сир-синоати бор, дейишади. Ҳатто, сайёҳлар бир неча йил муқаддам шу тарихий обидани бизга берсангизлар, бузмай туриб олиб кетамиз, урнига шунча огирликда тилло, дуру — жавоҳир берамиз, дейишган экан. Лекин, яхшиям бизнинг ҳамшаҳарлар бойликка учинмаган. Бу меъморий ноёб обиданинг қиммати беқиёслигини ҳис этишган.

Нақл этилишича, Исмоил Сомоний ҳафтанинг маълум кунларида оталари қабри жойлашган мақбарани зиёрат қилибдилар ва баъзида давлат сиёсати миқёсидаги масалаларни қабулини шу ерда утказаркан. Руҳлар қўллашини ёки шунга эътиқодми ҳар қандай мушкул масала бу ерда тезда ҳал бўлар экан. Шу боис Исмоил шоҳ вафотидан сўнг узоқ йиллар ҳеч ким унинг тахтини эгаллашга журъат қилмабди. Мақбара

Ҳалқимиз азалдан бағри кенг, кўнгли очиқ, дастурхони сочиқ халқ. Ота-боболаримиз кўчадан ўтиб кетаётган йўловчини ҳам меҳмон қилишган. Ҳали-ҳануз бубаларимизнинг кўча-кўй, маҳаллада бир-бирларига «қани марҳамат бир пиёла чой», — деган илтифотларини эшитиб, хурсанд бўласиз. Меҳмоннавозлик — одамгарчилик дея улуғланиб, миллий қадриятларимиз устиворлигидан далолат беради.

Биз ҳам бугундан бошлаб газетамизда «Хуш келибсиз» мавзуда мақолалар бериб борамиз. Муаллимимиз Бухоролик ўқувчи, она Ватанини чин дилдан севиб ардоқловчи, билганлари ҳақида бизга ҳикоя қилиб берувчи Анваржон Хамидовдир. У Бухоро шаҳридаги Фитрат номли ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси. Ростини, Анваржоннинг «Бухорога хуш келибсиз» сарлавҳали мақоласи ушбу рукни очишга туртки бўлди, десак муболаға эмас. Анваржон-Сиз азиз тенгдошларини ҳам шу суҳбатларини давом эттиришга чорлайди.

ёнидаги туйнукка одамлар ёзган ариза ва шикоятлар қўйилиб, келгуси кун жавоб ёзилган ҳолда олишган. Шундай қилиб шоҳ Исмоил руҳлари 40 йилгача ҳукмронлик қилган экан. Нима сабабдан сўнг тўхтатилган дер

сиз? Айтишларича, бир куни бири-биридан қарз олган икки одам мақбара олдига келишибди. Қарздор одам нариги кишидан 60 тилла қарз бўлиб, шу тиллаларни ҳассасининг ичига солиб, билинмайдиغان қилиб зичлабди-да,

Сомоний мақбарасига чиқаверишдаги зинада уртоғига узатибди. Қарз берган одам ҳассани олиб бир чеккага қўйибди-да, уша қарздор одамнинг қўлтигидан суяб мақбарага киритибди. Зиёрат қилиб чиқишгач, бояги одамга яна ҳассасини тутқазибди-да, сўнг узи пастга тушиб сурабди.

— Қарз олган пулни бермайсизми?

— Мана, шоҳ Исмоил руҳи поклари гувоҳ, мен қарзни қўлингизга бердим, сиз олиб яна узимга қайтариб бердингиз.

— Энди сиз уни қарз деб эмас, уз ихтиёрингиз билан бердингиз. Мен қарздан қутилдим, — дея жавоб қайтарди.

Баҳс мунозара узоқ давом



этибди. Улар ҳар иккаласи ҳар гал Исмоил Сомоний руҳларини пеш қилиб гапираркан, бундан қаттиқ ҳафа бўлган подшоҳ руҳи бу дунёдагилардан юз угириб бутунлай кетиб қолган экан. Мен онам айтган бу ривоятнинг қанчалик ҳақиқатга яқинлигини қизиқиб сураганимда у киши менга: — Энг аввало ривоят бу-халқ айтган ҳикоя. Аммо унинг замирида заррача бўлса-да, ҳақиқат ётади дедилар. Қиссадан ҳисса шуки, одам боласи ҳеч қачон ёлгон сўзламаслиги керак. Бир ёмон мунофиқ одамнинг касри барчага уради.

Ҳа, онамнинг айтишларича, кейинчалик қадимшунос олимлар аниқлашибдики Исмоил Сомоний мақбарасидан шоҳ урдаси — Арккача ер ости йули бор бўлиб ариза ва шикоятлар уша йул орқали саройга олиб келиниб жавоб ёзилиб, кечга пайт яна уз жойига қўйиларкан.

Мен Исмоил Сомоний одил инсон, маданият, маърифат ва санъатни ривожлантирган олийжаноб шахс бўлганлигига ишондим ва қойил қолдим.

Бухорои Шарифга келсангиз албатта, зиёрат ҳам саёҳатни қадимий ёдгорлик Исмоил Сомонийдан бошланг. Табаррук инсонлар ўтган, улар бино қилган меъморий обидалар шаҳри — очиқ осмон остидаги музей шаҳар, Бухорога хуш келибсиз!

Анваржон ҲАМИДОВ,
Бухоро шаҳридаги
Фитрат номли мактаб
ўқувчиси.

ХУШ КЕЛИБСИЗ!



АМИР ОЛИМХОН ХАЗИНАСИ ҚАЕРДА?

Қадимда Бухоро амирлигида зарб этилган олтин тангалар ва турли буюмлар Италия, Венгрия ва Туркия бозорларида алмашинув қимматини ўтаб келган. Бухоро амирлари олтин конларида қазиш ишларини олиб бориш учун асосан чет эллардан Эрон, Туркия ва Афғонистон бозорларидан қуллар сотиб олиб келтирган. Негаки, олтин бор жойлар сирни ўта махфий сақланган ва олтин конларида барча ишлар тугагач, бу ерда ишлаган қуллар ўлдирилган.

Умуман олганда, Бухоро

амирлари сулоласига қарашли олтин хазинаси анчагина бўлиб, асримиз бошларида унинг катта қисми амир Сайид Олимхонга қарашли газнада тўпланган эди.

«Ойна» журналининг 1914 йил 12 апрелида (25-сон) берилган «Бухоро амирининг хазиналари» сарлавҳали мақолада қуйидагича ёзилади: «... Ҳозир Бухоро амирининг тасарруфи остида бўлган хазинанинг ақчаси (олтин ва кумуш) шу даражада мўлки, ҳеч бир давлат хазинасида бул даражада эҳтиёт сақланган олтин ва кумуш пул ва ёмбилар бўлмаса керак. Бухоро амирининг саночларида (чармдан

тикилган, махсус халталар) сақланаётган олтин ва кумуш пуллар бўйи 50 олчин (1 олчин тахминан 70 см га тенг) эни 20 олчин ва баландлиги 8 олчин бўлган бир тоғдан иборатдир. Бу хазинадан ташқари, уч олчин катталикда яна бир ертўла хазинаси бўлиб, у хазина рус. Бухоро ва бошқа бир қанча давлатларнинг олтин пуллари билан тўладир». Мазкур мақолада яна қуйидаги фактлар ҳам қайд қилинганки, улар ҳам амир хазинасининг ниҳоятда бой бўлганини тасдиқлайди.

Бу ҳақда газетамизнинг кейинги сонларида айтамыз.



Уқишларим у даражада аъло булмаса ҳам мактабда буладиган ташкилий ишларга мунтазам қатнашиб тураман. Синфимизда очиқ тарбиявий соатлар тез-тез булиб

нафар одам кирса бешинчиси бир оёғи ташқарида қоладиган хонада кечамизни утказамиз.

«Халқ сузи» газетаси «Туя гушти еб» «талтайиб» ётган мактабимиз янги биносини

ЯНА ЎША ЭСКИ ТАП

туради. Бу соатларда болалар анча тарбияланади, фикрли, мулоҳазали булади. Устозимиз Ёркиной опа Исҳоқова доим шундай дейдилар, мен ҳам бу фикрга жон деб қушиламман. Аммо...

Бу йил ҳам янги мактабимиз биноси битгани йўқ. Яна эски мактаб, тор синфлар... Зўр бериб тайёргарлик қилиб ташкилий, маданий ва маърифий, бадиий кечалар уй иштирамизу, физкультура залидами ёки синф хонасидами, 4

сурати билан биргаликда «уриб» чиқса ҳам, ҳамон натижа булмади.

Қаловини топсанг қор ёнади, дейишади. Балки бизнинг директоримиз ўша қаловини тополмаётгандир-а? Булмаса биз ҳам янги ўқув йилини янги мактабда бошлармидик?..

Саъдулла НЕЪМАТОВ,
Тошкент вилояти,
Тошкент тумани, 25-мактаб ўқувчиси.

БОСМА ҚОҒОЗИ

Ҳозирги ўқувчи болалар босма қоғоз нима эканлигини деярли билишмайди. Нега деганда замонавий авторучка ёзувларининг сиёҳи тез қуриydi. Шарикли ручка ёзувининг қуришини кутиб ўтиришнинг ҳождати йўқ. Ваҳоланки яқин-яқинларгача босма қоғозларсиз ёзишни тасаввур қилиб бўлмас эди. Ҳар битта дафтар ичида албатта босма қоғоз бўлар, хатто стол устида босма қоғоз «кийдириб» қўйиладиган махсус тахтакашлар турар эди. Утган асрда эса сиёҳни қуриштиш учун ёзув устига майда кум зарраларини сепишган.

даги Дажла ва Фрот дарёлари ораллигидаги жой) кесак жадваллардан оғирдан-оғир ва бесўнақай сопол «китоблар» тузишган. Бундай китоблар навалардан тўқилган. Саватларда ва сопол қутиларда ташилган. Токчадаги сопол жавонларда сақланган. Баъзан тушиб-чиқиш учун тепасидан битта зинапоя қурилган тор хоналарда сақланган. Сават ва сопол қутилар бора-бора сандиқларга, токчалар эса тахта жавон ва шкафларга айланган.



БИРИНЧИ...

КИТОБ

Ўрама «китоблар» учун муқова вазифасини ёғоч филофлар ўтаган. Лекин энг нодир ва ноёб ўрамалар учунгина шундай филоф ясалган. Дастлабки китоблар унинг варақлари тайёрланган юмшоқ тери билан муқоваланган. Кейинчалик тери тахта муқовага тортилган. Натижада муқова оғирлашган ва пишиқлашган. Рух бурчаклар ва безаклар муқовани ифлослашдан сақлаган. Илгак ва қулфлар унинг қаппайиб кетишига йўл қўймаган. Қадимий металл билан қопланган қулфлаб қўйилган китоблар кўринишдан бойлик тўла сандиққа ўхшаб кетган. Ҳар қалай бир сандиқ бойликка тенглашадиган қимматбахо китоблар ҳам бўлганда. Китобни биронтаси кўтариб кетмасин учун китоблар занжир билан маҳкамланган.

Илгари китоблар қўлда кўчирилган. Ёки сўзлар тахтага ўйиб ёзилган. Унга бўёқ суркаб устидан қоғоз ёпилган. Қарабсизки, китоб саҳифаси тайёр бўлган! Лекин тахтага ўйиб ёзиш учун жуда кўп вақт сарфланган XI асрда хитойликлар текстини ало-

ЎЧИРҒИЧ

Америкадан Европага келтирилган табиий каучукка жуда ғалати нарса сифатида қарашган. Маълум бўлишича, у қалам ёзувларини осонлик билан ўчирар — ўчирғич вазифасини ўтаган. Унга қадар ёзувни ўчиришда турли нарсалардан фойдаланишган. Масалан, қадимги Миср сиёҳида папирусга битилган ёзув нам губкада осон ўчган. Юнонлар ва римликлар мум жадвалларини ёзув қироли бўлмиш тигли «ручка»ни тўмтоқ томони билан текислашган. Мирзалар пергаментдаги сиёҳли ёзувни пичоқда қириб ташлашган.


ЎҚУВЧИЛАР ДАФТАРИ

Қоғоз тақчил даврларда ўқувчилар ас-

ва сланец парталари қалам вазифасини ўтаган. Кейинчалик — XVI асрнинг иккинчи ярмида график билан чизишган. Сўнг уни ёғоч ичига жойлаш йўлини топишган. Қалам ичидаги қалам график ва лойдан тайёрланади.

ҚОҒОЗГА ҚАДАР

Қоғоз ихтиро қилинмагунча нималарга ёзишмаган денг. Лой, ҳайвон териси, барглар, дарахт пўстлоғи ҳам қоғоз



«Тўйга тўёна» суратини ҳамишалик муаллифимиз, Олтиариқ туманидаги 12-мактабнинг 5 «В» синф ўқувчиси Лочинбек ИСМОИЛОВ чизган.

кузатувчиси, узини «ёзувчилар клиникаси» деб атаган бу анатом қаламкаш улимидан сал аввал покиза, машаққатли ва қувончли булган ишқни эъзозлашга интилганди.

У уз асарларида кишиларни қаёққа чақирар, нимага бошларди? Кишиларга нимани ваъда қиларди? Эшқакчи ва ёзувчи узининг бақувват қуллари билан инсонларнинг оғирини енгил қилди-ми? Бундай иш қилмаганлигини унинг ўзи ҳам тушунарди. Шунинг учун ҳам агарда унинг асарларидаги ёмонликни фош этиш ёнига эзгуликка раҳмшафқат қушилганида борми, у башарият хотирида эзгуликнинг даҳоси сифатида қолган бўлур эди...

ШАҲС ФИКРИ

лур эди. У узининг «Сувда» деган энг аянчли ва қалбни ларзага солувчи асарини ана шу қайиқда яратганди...

У ёзувчилик йулини ҳайрагомиз даражада тез босиб утди. «Мен адабий ҳаётга метеор янгилиги қириб келдим, — деганди Мопассан, — уни эса яшиндай арк этаман».

Инсоний қусурнинг аёвсиз

Болалар, бу кимнинг ёзганлари. Бизга ёзиб юборинг.

ҳида ҳарфлар билан йиғиш йўлини топишган.

Европада китоб босиш XV асрда расм бўлди. Босма машиналар эса ўтган асрдагина пайдо бўлди. Китоб босиш техникаси бундан минг йил муқаддам Месопотамияда савдо шартномаларини тасдиқловчи муҳрлардан бошланган.

Месопотамияда (Олд Осиё-

Мингдан ортиқ рақамни ёзиш учун урта асрликлар қуйидаги усулни қўллаганлар. Миллион учун — «мингта минг», миллиард учун — «мингта минг минг». Ҳаттоки XVI аср ургаларида немис математиги Адам Ризе 86 789 32 178 рақамини қуйидагича ёзган. 86 минг минг, минг, 700 минг, минг 89 минг минг, 300 минг, 2 минг, 100 ва 78.

«Миллион» тушунчасини биринчи бор ким қўллаган де-

пид (осон булинадиган қатлам-қатлам қора металл) сланецли тахтачаларга ёзганлар. Грифея таёқчалари — тошқаламлар қалам вазифасини бажаришган. У ҳам сланецнинг бир тури ҳисобланади. Қолаверса, тахталарни ҳам грифелли яъни тошқалам тахталар деб аташган. Бундай тахталардаги ёзув худди ҳозирги синф тахтаси — доска ёзувларига ухшаб артиб учирилган.

ҚАЛАМ

Қалам рус тилида карандаш дейилишини яхши биласиз. Лекин карандаш русча сўз эмас. Балки туркча «Қора» (черный) ва «тош» (камен) сўзларининг бирикмасидан ясалган. Писта кўмир бўлагини энг қадимий қаламдир. Ундан кейин кўрғошин

МИЛЛИОН ТАРИХИ

ган саволга математика тарихи XV асрда италян математиги ва Леонардо да Винчининг дусту Лука Пачоли, деб жавоб беради.

Бироқ буюк географик кашфиётлар натижасида гаройиботларни ҳам тарих елга олади! Қарийиб

Бу — қизиқ

УЧ ОЁҚЛИ БУЗОҚЧА

Сарижўй қишлоғида истиқомат қилувчи Бобошариф Бобомуродов эрта-лаб молхонаси томон утганида, ажойиб воқеага дуч келди. Не кўз билан кўрсинки, моли уч оёқли бузоқча туғибди. Ажабланганидан дарҳол кўни — қушшиларини чақирибди. Улар бу ажойиботни уз кўзлари билан қуришиб, табиатнинг бу сиридан лол қолишди.

Ҳозир Бобошариф аканин бузоқча-си уч оёқда бемалол югуриб юрибди.

ва-зи-фа-сини ўтаган. Масалан, Россияда оқ қайин пўстлоғига ёзишган. Рухга туширилган ёзувлар жуда оғир бўлган. Археологлар милотдан илгариги тўртинчи асрга оид бўлган қадимги юнон номасини топишган. У юмшоқ юпка тунукага туширилган эди. Қадимда рух мактублар ўқиб бўлингач уни эритиб, балиқ овлашда қадоктош ясашда ва бошқа хўжалик ишларида фойдаланилган.

ШАРИКЛИ АВТОРУЧКА

1939 йили Венгрияда сиёҳда ёзадиган поршенли авторучкага патент олинган. Унинг пастасини австралияликлар тўлдирганлар-у жуда узоқ вақт қотмай, сақланган... «Шарик»нинг ўзи айтарли кўҳна бўлмаса-да, унинг аждоқлари бирмунча қадимийдир. Археологлар Тутанмахон (Мисрда милотдан аввал 1400-1392 йилларда ҳукм сурган фиръавн) макбарасидан мис ручка топишган. Унинг ичида ингичка киррадор кўрғошин найча бўлиб, ундан бўёқ моддаси «перо»га келиб тушган. Орадан ўнлаб асрлар ўтгандан сўнг, ғоз патидан ясаладиган металл найчаларга сиёҳ тўлдириладиган ва ёзиладиган бўлган.

икки аср муқаддам саёҳатдан қатган машҳур Марко Поло Хитой бойликларини тасвирлаш учун «миллионе» (купайтирилган «милле» минг) атамасини уйлаб топган. Унинг замондошлари тушунилишича ҳикояларини жуда буртирилган деб ҳисоблаганлар ва ҳатто узини ҳам Марко Миллионе деб атай бошлаганлар. Икки аср утгач, математикларга бу янги сўз ёқиб қолган...

УЗУК ТОПИЛДИ

«Гулистон» жамоа ҳужалигининг Гулистон қишлоғида яшовчи Холикул Қорақуловнинг қизи қўлидаги узугини йўқотиб қуйганини онасига айтганида анчагина дашном эшитди. Унинг айтишига қараганда, молга овқат тайерлаётганида узуги емга аралашиб кетган экан.

Яқинда молни суйишганда унинг ошқозонидан ялттираган бир нарса чиқди. Қассоб уни олиб қараса, уша — йўқолган узук.

Узук яна уз соҳибининг бармоғини безаб турибди.

Тоҳиржон АБДУЛЛАЕВ,
Сурхондарё вилояти

Саҳифани Арофат ОРТИҚОВА тайёрлади.

ЁШ ИҚТИСОДЧИ

YOSH IQTISODCHI

“Тонг юлдузи”га илова
иқтисодий газета



Тинчлик қуши кабулар,
Кел, кулишни ўргатай!
Қанотингга кулгуларим -
Жарангини ўрнатай!

Боғим - бўстоним - Ватан,
Янги достоним - Ватан.
Дунёга йўл олганмиз, шу -
Ўзбекистоним - Ватан!



билимлари бор, техник хужжатларни тушуниб олишни билади.

- билимлари бир мунча кам, техник хужжатларни тушуниб олишда қийналади.
- арзигулик техник билимлари йўқ, техник хужжатларни тушунолмайди.
- техника атамаларидан ваҳимага тушиб, кўрқади.

6-БЕЛГИ

БЎЛАЖАК РАЎБАЛАР ДИҚҚАТИГА:



БИЛИБ ҚЎЙИҢГ, ЯҚИН КЕЛАЖАҚДА СИЗНИҢ ҚЎЛИҢГИЗДА ИШЛАЙДИГАН ХОДИМЛАР ТАБИАТИДА МАНА БУНДАЙ БЕЛГИЛАР БЎЛАДИ

Маълумот берадиган адабиёт билан:

- жуда яхши ишлай олади, ҳар қандай маълумотномадан керакли нарсаларни бемалол топа олади.
- ишлай олади.
- ишлаш учун зарур кўникмалари бор.
- ишлаш кўникмалари унча кўп эмас, маълумотлардан керакли нарсаларни зўрға топади.
- ишлаш учун зарур кўникмалар унча кўп эмас, четдан бериладиган ёрдамга муҳтож.
- қай тариқа ишлаш тўғрисида тушунчаси йўқ ва бундай тушунчага эга бўлиш учун ҳаракат ҳам қилмайди.

7-БЕЛГИ

- прецизион станоклар ишлаб чиқариш технологиясини, технологик жараённинг турли босқичлари ҳамда иш ўринларининг хусусиятларини жуда яхши билади.
- корхоналарнинг турли участкаларидаги ишлаб чиқариш технологияси ва технологик жараённинг асосий босқичлари билан етарли даражада таниш.
- турли участкалардаги ишлаб чиқариш технологияси, технологик жараён хусусиятлари билан унча яхши таниш эмас.
- корхонадаги ишлаб чиқариш технологиясини ва технологик жараённинг қалтис жойларини унча яхши тасаввур қилмайди.
- ишлаб чиқариш технологиясини билмайди ва корхонадаги аниқ технологик жа-

раён тўғрисида тушунчага эга эмас.

8-БЕЛГИ

- Корхонанинг бўлимлари ва хизматлари ўртасидаги:**
- ўзаро ташкилий ва технологик боғланишларни жуда яхши билади.
 - ўзаро ташкилий ва технологик боғланишларни яхши тушунади.
 - ўзаро ташкилий ва тех-

- тўғрисида зарур тасаввурга эга.

- унчалик яхши таниш эмас.
- унча яхши тасаввур қилмайди.
- ҳеч қандай тасаввурга эга эмас.

12-БЕЛГИ

- Асбоб-ускуналарнинг таъмирига қўйилдиган технологик талабларни:**
- жуда яхши билади, кўпгина масалалар юзасидан маслаҳат бериши мумкин.
 - яхши билади.
 - тўғрисида тасаввурга эга.
 - унча яхши билмайди.
 - тўғрисида тасаввурга эга эмас.

13-БЕЛГИ

- Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режаслаштириш ишларини:**
- жуда яхши билади, кўп масалалар юзасидан маслаҳат бериши мумкин.
 - яхши билади.
 - тўғрисида зарур тасаввурга эга.
 - унча яхши билмайди.
 - ёмон билади.
 - мутлақо билмайди.

14-БЕЛГИ

- Меҳнатни ташкил этиш ва нормалаш:**
- соҳасида кенг билимларга эга ва булардан аъло даражада фойдалана олади.
 - соҳасига доир дурустгина билимлари бор ва булардан фойдалана олади.
 - соҳасига доир зарур билимлари бор.
 - масалалари билан етарлича яхши таниш эмас.
 - масалалари билан унча таниш эмас.
 - тўғрисида ҳеч қандай тушунчаси йўқ ва бундай тушунчага эга бўлишига ҳаракат ҳам қилмайди.

15-БЕЛГИ

- Ўз иш участкасида ҳисоб қилиб бориш ва ҳисобот бериш туриш юмушларини:**
- бемалол бажариб боришни, зарур маълумотномани тез тайёрлаб бериши мумкин.
 - юмушларини бажариш боришни яхши билади, қандай қилиб тезгина зарур маълумотни олишни билади.
 - тўғрисида зарур тушунчага эга, зарур маълумотни қаердан олиш мумкинлигини билади.
 - юмушларини бажариб боришда қийналади, керакли маълумотни мустақил ҳолда тайёрлаб беролмайди.
 - юмушларини бажариб боришни билмайди, четдан ёрдам берилмаса, бу масалаларни удда қилолмайди.

16-БЕЛГИ

- Маркетинг масалалари:**
- юзасидан бемалол иш олиб боради, бу соҳада катта тажрибага эга.
 - юзасидан яхши иш олиб боради.
 - тўғрисида зарур тасаввурга эга.
 - унча яхши билмайди.
 - яхши билмайди.
 - мутлақо билмайди.

17-БЕЛГИ

- Корхоналарни маблағ билан таъминлаш ва кредит очиш:**
- масалаларини аъдо даражада билади.
 - масалаларини яхши билади.
 - масалалари тўғрисида зарур тасаввурга эга.
 - масалаларини унча яхши билмайди.
 - масалаларини мутлақо билмайди.

18-БЕЛГИ

- Хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш масалаларини, у ёки бу хўжалик механизмнинг ўзига хос хусусиятларини жуда яхши билади.**
- Хўжалик ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш масалаларини, турли хилдаги хўжалик механизмларининг муҳим хусусиятларини яхши билади.
 - Хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш масалалари, тегишли хўжалик механизмнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида зарур тасаввурга эга.
 - масалаларини унча яхши билмайди.
 - масалаларини жуда бўш билади.
 - масалалари билан мутлақо таниш эмас.

19-БЕЛГИ

- Чуқур иқтисодий билимларга эга, у ёки бу жараёнлар, ҳодисаларнинг иқтисодий моҳиятини жуда яхши тушунади.**
- катта иқтисодий билимларга эга.
 - зарур иқтисодий билимларга эга.
 - иқтисодий билимлар унга бироз етишмайди, лекин у ёки бу жараёнлар ва ҳодисаларнинг иқтисодий моҳиятини ҳамisha тушуниб олиши мумкин.
 - зарур иқтисодий билимларга эга эмас, у ёки бу жараёнлар ёки ҳодисаларнинг иқтисодий моҳиятини яхши тушунмайди.
 - иқтисодий билимлари йўқ ва буларга эга бўлишга ҳаракат ҳам қилмайди.

20-БЕЛГИ

- Ахборотни ишлашнинг автоматлаштирилган воситаларидан фойдаланиш муаммолари:**
- ва амалиётини анча яхши билади, уларнинг имкониятларидан самарали равишда фойдалана олади.
 - ва амалиётини дурустгина билади, уларнинг имкониятларидан амалда фойдалана олади.
 - ва амалиёти тўғрисида тушунчага эга, уларнинг имкониятларидан самарали равишда фойдалана олади.
 - ахборотни автоматлаштирилган тарзда ишлашнинг муаммолари ва имкониятлари тўғрисида тушунчага эга.
 - ахборотни автоматлаштирилган тарзда.
 - ишлашнинг имкониятларини ва унга боғлиқ муаммоларни тасаввур қилмайди ва бу нарсалар билан танишишга уринмайди ҳам.
 - ишлаш муаммолари тўғрисида ҳеч нарса билмайди ва шу билан фахрланади.

1-БЕЛГИ

- Ходим ҳаммада ҳам бўлавермайдиган ниҳоятда катта иш тажрибасига ва амалий билимларга эга.

- Катта иш тажрибаси ва амалий билимларга эга.
- Топширилган ишни удадалаш учун етарли тажриба ва амалий билимларга эга.
- Топширилган ишни муваффақиятли адо этиш учун иш тажрибаси ва амалий билимлари камроқ.
- Иш тажрибаси қандай бўлмасин, бирор амалий билимлари аслида йўқ.

2-БЕЛГИ

- Касбга алоқадор:**
- билимлари кўп, талайгина масалалар юзасидан тўла-тўқис маслаҳатлар бера олади.
 - яхши билимлари бор.
 - билимлари етарли.
 - билимлари унча катта эмас.
 - етарли даражадаги билимлари йўқ.
 - зарур билимлари йўқ ва уларни эгаллашга ҳаракат қилмайди ҳам.

3-БЕЛГИ

- Бизнес муаммоларини:**
- ўзига хос томонларини жуда яхши билади.
 - яхши билади.
 - тўғрисида тушунчаси йўқ.
 - ўзига хос томонларини унча тасаввур этмайди.
 - ўзига хос томонларини мутлақо билмайди ва бунга қизиқмайди ҳам.

4-БЕЛГИ

- Корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотга:**
- жаҳон бозорида қўйилдиган талаблар, жаҳон стандартлари билан, энг яхши хорижий фирмалар тажрибаси билан жуда яхши таниш.
 - жаҳон бозорида қўйилдиган талаблар ва жаҳон стандартлари билан яхши таниш.
 - жаҳон бозорида қўйилдиган талаблар ва жаҳон стандартлари тўғрисида зарур тушунчага эга.
 - жаҳон бозорида қўйилдиган талаблар билан етарлича яхши таниш эмас.
 - жаҳон бозорида қўйилдиган талаблар ва жаҳон стандартлари билан унча таниш эмас.
 - жаҳон бозорида қўйилдиган талаблар ва жаҳон стандартлари тўғрисида тушунчага эга эмас.

5-БЕЛГИ

- Техникага оид ҳар хил масалаларни:**
- жуда яхши тушунади, ҳар қалай техник хужжатлар ва технологияни осонгина билиб олади.
 - яхши тушунади, техник хужжатларни осон билиб олади.
 - масалаларга доир зарур



МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИ БАЙРАМИ

Қарши туманидаги "Роҳат" болалар боғчасида 1991 йил сентябрь ойида туғилган болаларнинг байрам эрталиги бўлиб ўтди. Мустақиллик тенгдошлари - қизчалар ва ўғил болалар Ватан, бахтли болалик ҳақида, она табиатга муҳаббат мавзусида шеърлар, кўшиқлар ижро этишди. Театрлаштирилган саҳна чиқишлари меҳмонга келган ота-оналарда катта таассурот қолдирди. Болалар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

ГЕОГРАФИЯНИ ЯНГИЧА УСЛУБДА ЎРГАНАДИЛАР

Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Ўқтам Усмонов номи 16-мактаб ўқувчилари энди география фанини жиҳозланган махсус майдончада ўрганадилар.

- Вазирлар Маҳкамасининг "Умумий ўрта таълим Дастурини тайёрлаш, синовдан ўтказиш ва ҳаётга татбиқ этиш" тўғрисидаги қарорига биноан бу йил мамлакатимиздаги 24 та умумтаълим мактабларида турли фанлар бўйича янгича ўқув дастурлари синовдан ўтказилади, дейди мактаб директори М.Мирзаева. - Бизнинг мактабимизда география фанига мослаштирилган махсус хона ташкил этилди. Унда мазкур фан янгича услубда ўқитилади. Уни ўлкашунослик тўғрисидаги раҳбари, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Хайрулла Иноғомов олиб боради. Хайрулла ака тарихни, экология муаммоларини ҳам яхши билади. У киши мамлакатимизда биринчи бўлиб ўзи яшаётган ҳудуднинг экологик картасини тузганлар.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ - БОЛАЛАР ТАСАВВУРИДА

Тошкентда болалар чизган расмлар кўргазмаси бўлиб ўтди. "Буюк Ипак йўли - дўстлик ришталари - Ўзбекистон ва Япония болалари тасаввурлари" деб номланган бу кўргазмада кунчиқар мамлакат ва она юртимизнинг ёш расмолари ишлари намойиш қилинди.

ИПАК ҚОҒОЗ ТИКЛАНДИ


Самарқанддаги "Мерос" халқ амалий санъати маркази мутахассислари ипак қоғоз ишлаб чиқариш йўлини тикладилар. Самарқанд ипак қоғози қадим-қадимдан дунёда машҳур бўлган. Бундай қоғозга битилган хатга на чанг-ғубор, на намлик таъсир этади. Ундан тайёрланган китоблар енгил, кўриниши нафис бўлиб кишига эстетик завқ беради. Китоб ва ҳужжатларнинг умри боқийлик касб этади.

Ипак қоғоз ишлаб чиқариш технологиясини яратишда тошкентлик шарқшунос олим Ш.Муҳаммаджонов ва америкалик тадбиркор А.Сетернонинг ҳиссалари катта. "Мерос" халқ амалий санъати марказининг бир гуруҳ ходимлари қадимий ипак қоғозни "тирилтиргани" учун Американинг "Каунтерпарат консорциум" жамғармасининг грантларини қўлга киритдилар.

„САНЛАЙТ“ ВЕЛОСИПЕДЛАРИ АРЗОНЛАШАДИ

Юқори Чирчиқ туманида фаолият кўрсатаётган "Санлайт" ўзбек-хитой қўшма корхонасида 13 турдаги велосипедлар ишлаб чиқарилмоқда. Улар орасида болалар ва катталар учун жуда қулай 2 оёқли "машиналар" бор. Йиғув цехида ҳар кун 70-80 тадан велосипед тайёрланмоқда. Бу орада бу кўрсаткич кунига 300 та до-

нага етди. Корхона ҳозирча велосипедларнинг қисмларини Хитойдан олиб келиб, шу ерда бутлаётир. Яқин келажакда бундай захира қисмлар ўзимизда тайёрланади. Бу велосипедларнинг нархи анча арзонлашувига олиб келади. Шу кунларда "Санлайт"да ногиронлар аравачалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.



НОБЕЛЬ МУКОФОТИНИНГ.... БЎЛАЖАК СОҶИБЛАРИ

Намангандаги ўзбек-турк лицейига хушxabар келди. Лицейнинг юқори синф ўқувчиларидан 5 нафарининг илмий ишлари Варшавада ўтказилган "Нобель мукофоти сари илк қадам" деб номланган халқаро кўрик-танловининг фахрий дипломлари билан тақдирланибди.

ҚОНУННИ БИЛГАНЛАР ҚОНУННИ ЎРГАТИШГА АҲД ҚИЛИШДИ

Лицей ва мактабларнинг юқори синф ўқувчиларининг "Сиз қонунни биласизми?" мавзусидаги республика кўрик-танловининг якунловчи босқичида (июль) Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги 10-мактаб ўқувчилари голиб чиққан эдилар. Голиблар ўзларининг ҳуқуқи бўйича билганларини тумандаги бошқа мактаб ўқувчилари билан ўртоқлашиш ниятида янги ўқув йилини кутмоқдалар.

КОКА-КОЛА МЕГА-ЗАВОДИ ОЧИЛДИ

Мамлакатимизда юзлаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, биргина Тошкент вилоятининг Бектемир туманида шу кунга қадар 24 та қўшма корхона қурилиб, ишга туширилди. Келишилган шартномаларга кўра туманга 178 миллион 710 минг АҚШ долларига тенг чет эл инвестицияси

киритилиши керак эди. Яқинда туман ҳудудига яна бир қўшма корхона, яъни лойиҳаси 55 миллион АҚШ долларига тенг бўлган "Кока-кола ичимлиги Тошкент ЛТД" қўшма корхонаси қурган бешинчи "Мега-заводи" ишга тушди.


Машҳур Кока-кола компанияси 1994 йилда Ўзбекистонга умумий

ҳажми 140 миллион АҚШ долларидан иборат инвестицияларни ажратган эди.

Ваҳоланки, пойтахтдан унча узоқ бўлмаган масофада жойлашган "Кока-кола" компаниясининг Бектемир туманидаги бўлими Марказий Осиёдаги энг йирик завод ҳисобланади. Заводнинг ўта замонавий жиҳозлари мамлакатда бундай турдаги биринчи жи-

ҳозлардандир. Янги завод ишга тушганлиги ҳисобига 160 дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.

Ушбу янги завод "Кока-кола" компаниясининг Ўзбекистондаги режаларининг нақадар жиддийлигини энг ишончли белгиси ва ўз навбатида Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётини ривожлантириш йўлига содиқлигини яққол далилидир.



ИСТЕЪДОД ИМКОНИЯТЛАРИ

Бугунги кунда иқтидорли болаларга ҳукуматимиз, Халқ таълим вазирлиги ва жойлардаги болалар, ўсмирлар билан ишлайдиган ташкилот, марказлар ҳар томонлама эътиборни кучайтирмоқдалар.

Ёшларимизда ҳам билим олишга нисбатан бўлган муносабат ўзгарди. Хорижда ўқишга интилиш, тил, компьютер ўрганиш, ихтисослашган соҳа эгалари бўлиш учун махсус лицей, гимназияларда ўқишга иштиёқ ошмоқда. Бу фикрларимизнинг исботини Жиззах вилояти Усмон Юсупов тумани мактабларида таълим олаётган ёшларнинг ҳаракатларида кўриш мумкин. Тумандаги мактабларни йилига 500 дан ортиқ ўқувчи битириб, улардан 350 нафари олий ва ўрта махсус ўқув юртралига киришга мувофиқ бўлмоқда. Истеъдодли ёшларнинг ижодини оммалаштиришда истеъдод марказининг, "Қамолот" жамғармасининг, "Маънавият ва маърифат" туман марказлари билан бир қаторда туман болалар ва ўсмирлар ижодкорлик маркази ҳам фаол қатнашмоқда. Марказда ўндан ортиқ тўғарақлар фаолият юритаётган бўлиб, ҳар бир тўғарақка 30-35 нафардан ўқувчи қатнайди. Ўқувчилар тўғарақларда асосан миллий хунармандчилик сирларини ўрганадилар ва амалиётга татбиқ қиладилар. Тўғарақка қатновчи ўқувчилар ҳар ойда моддий манфаатлантириб туриладилар. Уюшманиннг ўз ҳисоб рақами борлиги боис ҳам тўғарақ аъзоларининг бажарган ишларига қараб ойлик белгилаш режалаштирилган.

Ўтаётган оила йилида марказ бошчилигида мактабларда "Йил етакчиси", "Табиат инъомлари", "Табиат: кеча, бугун, эртага", "Ўзбекистон кўшиқлар байрами", "Картинг" каби қатор кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Бу ташаббусдан мақсад мактаблардаги иқтидорли болаларни кашф қилиш эди.

Тўғарақ аъзоси Бобомурод Жумаевнинг тасвирий санъат ишлари вилоят жамоатчилиги вакилларига манзур бўлиб, Ҳиндистон ва Чехия мамлакатларида бўлиб ўтадиган "Осиё" ва "Европа" халқаро ёшлар кўргазмалари намойишига жўнатилди.

Тўғарақ йил якунига қадар ёш мухбирлар, ёғоч ўймакорлиги, сартарошлик бўлимлари ва китоб савдо дўконлари, ёрдамчи хўжалик, замонавий кутубхона, музей очишни режалаштирган.



Пазанда

**АНЖИР
МУРАББОСИ**

Мураббо қозонига шакар солиб устидан сув куйиб қайнатасиз. Қиём қайнаб чиққунча анжирни иссиқ сувга беш минутча солиб қўясиз, сўнгра анжирни бошқа идишга олиб, устидан қайноқ қиёмни қўясиз ва 1 сутка олиб қўясиз.

Эртаси қиёмни анжирдан ажратиб яна бир қайтанасиз, сўнгра анжирни солиб пиширишни охирига етказасиз. Мураббо суст оловда қайнаши керак. Тайёр мураббога ярим чой қошиғида жавҳарлиму (лимон кислотаси) аралаштириб юборасиз.

**Анжир мураббо
пишириш учун:**

1 кг анжир, 1,2 кг шакар ёки қанд, 1,5 стакан сув, ярим чой қошиғида жавҳарлиму керак.

**УЗУМ
МУРАББОСИ**

Хоҳлаган сортдаги яхши пишган узумнинг (узум уруғсиз бўлса яна яхши) бандини олиб ташлайсиз (агар узум дончаларининг пўсти қилин бўлса, иссиқ сувга 1-2 минут солиб қўйинг).

Шакардан қиём қайнатиб, қиёмни узумнинг устидан қўясиз ва 8-10 соат олиб қўясиз, шундан сўнг қиёмни узум доналаридан ажратиб қайнатасиз-да, яна узумнинг устидан куйиб, 8-10 соат олиб қўясиз-да, мураббони охиригача пиширасиз. Мураббо пишиш олдида тамини яхшилаш учун ванилин қўшасиз.

Узум мураббо учун:

1 кг узум, 1,2 кг шакар, 1 стакан сув, 1 чой қошиғида ванилин ишлатилади.

одам турли-туман сифатли таомлар еб юрганда кунига 300 грамм, кўпи билан 400 грамм нон еса кифоя қилади.

Семириб кетган одамлар қора нон, йирикроқ тортилган бугдой унидан тайёрланган ёки кепак қўшилган нондан кунига 60-100 грамм ейишлари мумкин, чунки бундай нонларда ичак ишини яхшилайдиган балласт моддалар бўлади.



ҚАНЧА НОН ЕЙИШ КЕРАК?

Ноннинг озиқлик қиммати жуда катта: юз грамм нонда унинг навига қараб 4,7 дан 8,4 процентгача оқсил, витамин В группаси, турли минерал тузлар, балласт моддалар бўлади.

Ҳозирги пайтда одамлар нонни илгаригига қараганда анча кам ейдиган бўлиб қолишди. Чунки одамлар ҳаёти камҳаракатлик билан ўтадиган бўлиб қолганидан улар энергияни ҳам кам сарфлайдилар. Шунинг учун ортиқ семирмаслиқ мақсадида яхшиси углеводларга бой юқори калорияли маҳсулот-

ларни камроқ еган маъқул.

Бундай маҳсулотлар қаторига нон, айниқса, бугдой унидан тайёрланган нон кирди. 70 грамм нонда 40-45 процент ва ундан кўп углевод бўлади, нон навига қараб 180 дан 240 га қадар килокалорий қувват беради. Агар одам бир кунда фақат 500 грамм нон еса, организм 900-120 килокалорий олади.

Биз нондан ташқари, ҳар кун сабзавотлар, мевалар, сут-қатиқ маҳсулотлари, гўшт, балиқ, товуқ гўштидан тайёрланган таомларни еб туришимиз керак. Шунинг учун ҳам

**БИЛИМ -
АҚЛ ЧИРОҒИ**

Билаги зўр бирни йиқар,
Билими зўр мингни йиқар.

Билган - ичини оқлайди,
Билмаган - ташиши.

Билган топиб гапирар,
Билмаган қолиб.

ВИЛОЯТ ВА ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ТАШКИЛОТЛАРИ, ФИРМАЛАР, КОРХОНАЛАР, ТАДБИРКОРЛАР, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ БАРЧА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ҲАМДА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

**“ЎҚИТУВЧИ” НАШРИЁТИ
1998 ЎҚУВ ЙИЛИДАН БОШЛАБ**

ўрта мактабларнинг 2-11 синфлари, академик лицейлар, гимназиялар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун мўлжалланган барча турдаги дарсликлар ва қўлланмаларни очиқ савдога чиқаради ва уларга чекланмаган миқдорда

**БУЮРТМАЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Буюртмалар жаҳон андозаларига мос, ЮҚОРИ СИФАТ билан тайёрлаб берилади. Тўловлар исталган турда.

МУҲТАРАМ ТАДБИРКОРЛАР!

25 фоиз савдо чегирмаси билан дарслик ва қўлланмаларни биринчи қўлдан олишга шошилинг, бундан ўзингиз ҳам даромад олишингиз мумкин, ҳамёнингизга ҳам фойда!

1998 — ОИЛА ЙИЛИ ЭКАНИНИ УНУТМАНГ!



**МУРОЖААТ УЧУН
МАНЗИЛ:**

700129. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, “Ўқитувчи” нашриётининг “Савдо-тижорат бўлими”

Телефонлар:
144-22-92, 144-23-86.
Факс: 144-26-89.

„ИҚТИСОД“ ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз болалар! Куйида таърифланган сўзларни шаклда “анжир” ҳолида ёзиш билан машқни ҳал этинг.

1. Мамлакатимиз миллий пул бирлиги. 2. Бозор иқтисодиётининг муҳим унсурларидан бири, ҳолатни асосли ўрганган ҳолда, юқори фойда олиш мақсадида харидорғир маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. 3. Қадимда йирик савдогарларнинг жойларда савдо ишларини олиб борувчи ва ишончли вакили. 4. Корхона ва ташкилотларнинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириб берувчи, улар ишининг иқтисодий таҳлилининг ўтказувчи мутахассиси. 5. Бозорда олди-сотди орқали айирбошланадиган меҳнат маҳсули. 6. Ер эгаларининг қишлоқ хўжалиги ерларини фойдаланишга бериш орқали оладиган даромади. 7. Даромад келтирувчи қимматбаҳо қоғоз тури. 8. Мунта-

зам равишда маълум вақтда уюштириладиган катта бозор. 9. Алоҳида хусусиятларга эга бўлган товарларни оммавий сотувга қўйиш йўли билан сотиш учун ташкил этилган кимошди савдоси. 10. Баҳосини шу захоти тўлаш билан амалга ошириладиган савдо. 11. Давлат, савдосаноат муассасалари, корхоналар, ижтимоий ташкилот ёки айрим шахс ҳисобига келиб тушадиган маблағ. 12. Жаҳондаги энг барқарор валюталардан бири. 13. Мустақил маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида бозор иқтисодиётида ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун кураш. 14. Корхонанинг маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларининг пулда ифодаланиши. 15. Бирор шахс, ташкилот ёки халқ ихтиёридаги барча моддий бойлик, мулк-ашё, уй-жой. 16. Маҳсулот, қимматбаҳо қоғоз, хизматлар


учун ўзаро мажбурият ва талабларни ҳисобга олган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш усули. 17. Олинган қарз эвазига ёки мажбуриятни бажарилишига ишонтириш учун қолдирилган омонат нарса. 18. Муайян миқдордаги қарзга олинган пулни белгиланган муддатда қатъий тўлаш мажбурияти юкланган қарздорлик ҳужжати. 19. Бирор нарсанинг чекланган, фойдаланиш учун белгиланган миқдори. 20. Ўз номидан ёки бирор фирма номидан савдо-сотиқ ишлари билан шугулланувчи шахс.

Энди куйидаги рақамлар жуфттида (биринчиси жавоб сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) яширинган сўзни жавоблар асосида топинг. Ундан иқтисод мутахассислигига оид сўз аён бўлади.

1-3, 2-5, 10-1, 18-2, 20-3, 6-2, 16-4.

Ана шу сўз таърифни била-сизми?

Фозилжон ОРИПОВ.





Мана истиқлолнинг муборак 7 йиллигини нишонлаётимиз. Мустақиллигимиз эндигина 7 ёшга тўлган бўлса-да, ўзининг асларга татиғулик, мангуликка даҳлдор имкониятларини очиб берди. Дунё озод, хур диёримизни таниди, тан олди. Янги дунё кўз ўнгимизда кўз очди. Мустақиллик сиёсатимиз, иқтисодиётимиз, ижтимоий ҳаётимизда, турли соҳа-ю, жабҳаларда янгилашни жараёнини бошлаб берди. Оз фурсатлар ичида нефть, газ, пахта, ғалла мустақиллигини қўлга киритдик.

7 рақамини хосиятли рақам дейишади. Имкониятларимиз, изланишларимиз, меҳнатларимиз, интилишларимиз, тариху, қадриятларимиз эвазига етти йил ичида кўп яхши натижаларга эришдик.

Янгилашни, эркин фикрлаш, мукаммал билим олишга интилиш айниқса, ёшларимиз онгига тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Кўпчилик эртанги кунни пойдевори-

ни имкон қадар мустаҳкам бўлиши учун билим олиш, ўқиш, ўрганиш, дунёқарашини шакллантириш йўллари изламоқда.

Истиқлолга эмакдош болакайлар бугун мактабга чиқишади. Болаларни, ака-опаларини озод юртга муносиб фарзандлар бўлиб камол топишларида кўпгина ишлар қилинмоқда. Шунга яраша болалардаги илмга, ҳаётга муносабат анча жиддий. Бу хулосаларга кўпгина мактаб ўқувчилари билан фикр алмашиб, мулоқотда бўлганимиздан кейин келдик. Куйида С.Раҳимов туманидаги 196 - мактаб ўқувчиси Дилноза АЛИЕВА билан қилган суҳбатимизда ҳам бунинг изоҳини кўришингиз мумкин.

Дилнозаларнинг оиласи кичкинагина. Дадаси, ойиси, Дилноза ва укаси Беҳзод. Беҳзодбек истиқлолга тенгдош бу йил биринчи синфга боради. Дилноза эса мана онасига дастёр, катта қиз бўлиб қолди.

қилинмоқда. Ойим 1 ой тозалик ойи бўлди, дедилар. Байрамга тайёрланиш бизнинг ҳовлимизда ҳам бўляпти. 1 сентябрь кунни катта қозонда ош дамлаб, бутун уйимиз билан, ҳамма қўшнилари бирга (ҳар йилгидек) байрамни кутиб оламиз.

- Ким бўлмоқчисиз?
 - Ҳали ким бўлишимни билмайман, бир кун доктор, бир кун устоз, бир кун чевар бўлгим келади. Лекин албатта, торт ва ширинликларни пиширишни, кийим тикиш ва тўқишни (тўқиш асосларини ўргандим, фартук, чойнак ушлагич, нина санчқиларни тикдим), сочни ҳар хил қилиб турмаклашни, ҳамшираликни албатта ўрганиб оламан.

Қорнилари оч бўлмаса-да, албатта берилган пулни ишлатишни хоҳлашади. Мен тежамкорман. Мактабимизда жуда сунъий гуллар кўп. Шу гуллар табиий бўлса ва улар фақат манзарали бўлмай, ҳар замонда бўлса ҳам гулласса, ҳамма болалар ҳам, катталар ҳам тартибни, тинчликни сақлашса, мактабга нима учун бораётганларини яхши тушунишса. Баъзи бирлар фақат аъло баҳога қизиқадилар, мен ўйлайманки, 4 баҳога билсам ҳам ўзим шу баҳони олган бўлсам. Шу баҳо ҳақиқий бўлса.

- Мактабга қандай тайёргарлик кўрдингиз?

- Мактабга керак бўлган дафтар ва ручкаларни, китобларни олиб уларни ўраб қўйдим. Чунки китоблардан укам ҳам фойдаланиши керак. Авайлаб тутаман. Ёзда Ўрикзор, Хасанбой қишлоқларига бордим. Янгийўлга ва Оҳангаронга меҳмонга бордик. Телевизордан "Оталар сўзи, ақлнинг кўзи", "Ёз - ўтмоқда соз", "Камалак" кўрсатувларини, "Эртақлар яхшиликка етаклар" кўрсатувларини кўриб бордим. "Китобим-офтобим" китоби, "Қалдирғоч" китобини ўқидим. "Фунча" ойномасига ёзилган эдим, бирор марта келмади. Яқинда "ўрмондаги томоша" ва тишларни тоза тутиш ҳақидаги жуда қизиқ китобни ўқидим. Расмлари кулгили, рангли экан. Унда кўп фойдали маслаҳатлар бор экан.

- Беҳзод мустақилликка тенгдош экан. У мактабга борадими?

- Беҳзод укам энди 7 ёшга тўлди. Шу пайтгача "Чарос" ясли-боғчасига қатнади. У ўқиш ёзишни билиб олган, жуда зехли, мен ўқиш давомида ёдлаган шеърларимни деярли ҳаммасини ёддан билади. Шеърини ёфодали қилиб айтиб беради. 196 мактабга боришига тайёргарлик қилиб қўйдик.

- Орзуларингиз қандай?

- Орзуларимни ҳар кунни дастурхон тепасида овозимни чиқариб айтаман. "Дунёда уруш бўлмасин, ҳеч ким оч қолмасин, ҳеч ким касал бўлмасин, бувам, бувижоним, тоғам, ҳолам, амаким ва аммаларим, ҳамма ҳамма узоқ умр кўришсин. Мен ва укам ақли, одобли бўлиб ўсайлик. Яхши одамлар кўп бўлсин!"

Нодира ОЗОДОВА
 суҳбатлашди.

ЯХШИ ОДАМЛАР КЎП БЎЛСИН



бўлсак, (ота-онамларнинг тушунтирганлари бўйича) ўзимизнинг пулимизга эгамиз, ўзимизнинг она тилимизга, байрогимизга, гербимизга эгамиз.

- Шахс ким? Шахс эркинлиги нима? Сиз оилада мустақил фикрга эгамисиз? Иботлаб беринг. Сизга ҳамфикр бўлмаганларга муносабатингиз қандай?

- Шахс деганда мен одамни тушунаман. Шахс эркинлиги деганда мен ўзимдан мисол қилсам мен боғчага бордим, мактабга қатнапман. Менга шахс сифатида тарбиячи ва устозлар таълим беришади. Мени шахс, одам деб билишади. Эркинлик бу ўзини хоҳлаганини қилиш эмас. Лекин кичик мисоллар билан айтганимда мени ҳеч ким ўзим хоҳламаган ишни қилишга мажбур қилмайди. Яъни,

тилимни, дилимни ўзгартиришга ёки бошқа мамлакатга яшашимга ҳеч ким мажбур қилмайди.

Мен оилада мустақилман. Ойим мени эрталаб "тур, мактабга боришинг керак!" деб турмайдилар. Соат уйғотади, ўзим туриб, ўрнимни йиғиб, тез эрталабки вазифаларимни бажариб ўзим мактабимга кетаман, мактабдан келиб ота-онам келгунча дарсларнинг бир қисмини тайёрлаб қўяман. Укамни боғчадан олиб келиб ўтириб чой ичамиз. Укам мендан икки ёш кичик. Лекин гапимга кулоқ солади.

- Бугунги кунда атрофингизда қандай ўзгаришлар бўляпти?

- Шу кунларда байрам тайёргарлиги ҳамма жойда сезилмоқда. Дарахлар оқланиб, ариқлар тозаланмоқда, ахлатлар йўқ

- Дилноза бу йил мустақилликнинг неча йиллигини нишонлаймиз? Истиқлол байрамини ўтган йили қандай кутиб олган эдинг?

- Мустақилликнинг 7 йиллигини нишонлаймиз. Бу байрам бизга қўшалок қувонч бағишламоқда. Чунки укам Беҳзод ҳам мактабга боради. Биринчи кўнғироққа худди байрамга борадигандек тайёргарлик кўраёпти. Ўтган йили кечки салқин дадам-ойим Мустақиллик майдонига олиб боришган эди. Музқаймоқ, шоколад, шарлар олиб беришган. Ўшанда ҳам укам: "Чарчадим, юрмайман", - дея эркалик қилиб хархаша қилган. Балки ростдан ҳам оёғи оғриганмиди...

- Тарихга қизиқасизми?

- Мен тарихга қизиқаман. Чунки кеча ёки 5 йил, 50-100 йил олдинги ҳаётни билмасдан туриб яшаб бўлмаса керак. Ҳозирча кўп билмайман. Лекин дадам, ойим ва устозларимдан кўп воқеа ва ватанимиз тарихини билишга ҳаракат қиламан.

- Эртанги кунингиз, Ўзбекистон эртасини қандай тасаввур қиласиз?


- Ўзбекистонимизнинг эртаси деганимизда мен ҳамма хонадонларимизда тўкин дастурхонларни, ҳар бир хонадонда енгил машина, компьютерлар бўлади, ҳамма яхши яшайдиган бўлади, деб ўйлайман. Дадам ва ойим, бувим ва бувамларнинг айтишларича, Ўзбекистон дунёдаги энг тинч, гўзал ва бой мамлакат бўлади.

- Мустақиллик деганда нимани тушунасиз?

- Мустақиллик деганда мен, ўзига-ўзи хўжайин, ўзини бошқара оладиган, ўзини фикрига эга ва бошқалар ҳурмат қилишликни тушунаман. Агар Ўзбекистонни айтадиган



КАЛУП



Инсоният тараққиёти давомида яратилган доира, тўртбурчак, печак ва занжирсимон нақшлар ўзига хос рамзий маънога эга

Яқинда бир хорижий фирма идорасида тўрига тутиб кўйилган ўзбекча сўзналаримиз эътиборимни тортди. У ердаги буюмлар мажмуига қойил қолдим. Ва бирдан "ой палак"даги нақшларга беихтиёр тикилиб қолдим: ундаги нақшлар олам тузилишини эслатди менга. Белгиларнинг ҳар бирида турли сеҳрли рамзий маънолар бор эди.

Жумладан, **салб, ромб ва доира** - миллий амалий санъатимизда кўпроқ кўёш тимсоли ҳисобланади. Бу - ватанимиз тарихидаги зардуштийлик даврининг санъатдаги изидир.

Бурама чизиқ (спирал), учлари қайрилган салб (крест) билан чарх - мангу ҳаракат ҳаёт адабийлигининг рамзи.

Бу белги - нақшлар миллий гилламмимизда, кашталарда, ганчкорлик намуналари ва ёғоч ўймакорлигида кўп учрайди.

Халқ усталари билан суҳбатлашганда ҳар бир белги - нақшнинг узвий қисмининг ўз маъноси борлигини билиш мумкин. Масалан, **тенгёнли учбурчак** қалъа, қатъийлик рамзи, чунки бу геометрик шакл бузилмас, мустаҳкам бўлади. **Тенг томонли учбурчак** эса айрилиқ маъносини англатади. **Квадрат** - тўрт томони тугал дунёни, самовий-илоҳий мангуликни билдиради. **Доира**, бу - энг мукаммал, барқарор шакл. У бахтни, ёвуз кучлардан асранишни, илоҳийликни, самовийликни ифодалайди.

Беш қиррали юлдуз бизнинг динимизда ҳаёт қисқа эканини англатса, **янги ой (ҳилол)** - ислом рамзидир. Фашизм тарихдан **учлари букилган салб (крест)** белгисини олишида 2 маъно бор. Унинг тўғри маъноси абадий ҳаракат, илгарилаш, ўсиш бўлса, тескари маъноси бузгунчиликдир.

Гуллар ва барглар, дарахтлар ва мевалар рамзини хунармандлар атрофдан-табиатдан олди. Шу тариқа амалий

санъатга ўсимликлар дунёси белгилари кириб келди. Табиатни бадий ифодалашга ҳаракат қилиб, халқ рассомлари нақшларда кўёш, ой, юлдузлар, гуллаётган боғ, гулзор, узум, олма, олча, лола, ток ва бошқа нарсаларнинг рамзий белгиларини яратганлар.

Нақшлардаги ўсимликлар олами (наботат)нинг ҳам ўзига хос рамзий белгилари бор. Масалан, **япроқ тасвири** табиатнинг уйғониши, баҳор маъносини англатади. **Бодом меваси** тасвири ҳосилдорликни, бахтни, униб-ўсишни билдиради (мумтоз ада-

биётда шоирлар қизларнинг қабоғини бежиз бодомга қиёсламайдилар).

Қизил қалампир тасвирининг нақшларга кўчгани қизик. Каштачиликда, наққошлиқда, ганчкорлик, ўймакорлик, ҳатто мисгарликда бу белги жуда кўп чизилди. Йигитларнинг дўпписи-ку қалампирни "ўзиники қилиб олган". Бунинг сабаби - қалампир - ёмон кучлардан асровчи восита саналгани? У бор жойга ёмонлик йўлай олмайди, деган ишонч борлигида!

Чамаси, одамлар қизил қалампирда зарарсизлантирувчи, по-

кловчи (антисептик) хусусият борлигини қадим замонлардаёқ сезганлар. Ахир ҳозир ҳам иссиқ иқлимли мамлакатларда қизил қалампир кўпгина ошқозон-ичак касалликларига шифо сифатида шуҳрат топган.

Зирк бутасининг гули ҳаёт давомийлиги ва хотиржамлик рамзи саналади. **Анор ва унинг ёкут доналари** кут-барака, тўқлик, серобчилик рамзидир.

Дон тасвири - ҳосилдорликни, янгилашиш ва бойликдан нишона. Дон элементлари айниқса, заргарликда кўп ишлатилади.



Нақшларда **қушлар ва ҳайвонларни** тасвирлаш одати қадим замонлардан бери мавжуд. Чунки қадимда бизнинг илк аждодларимиз қушлар ва ҳайвонларни муқаддас деб билганлар. Марказий Осиё тупроғида сақланиб қолган маданий ёдгорликларнинг кўпида қанотли отлар ва туялар расмлари бор.


Кўйни ота-боболаримиз одамлар билан оллоҳ орасидаги воситачи деб билганлар. Айниқса, йирик шоҳли кўй тасвири, ҳатто унинг шоҳи тасвири халқ амалий санъатидаги энг мўътабар нақшлардан бири.

Кўпгина кашталар товус расмини тикадилар. **Товус** - бизда гўзаллик рамзига айланиб кетган.

Шунақа, нақшлардаги ҳар бир белги унинг муаллифининг орзунияти белгиси, руҳий олами сурати, халқ маънавий дунёсининг ойнасидир.

Гулсара БОБОЖОНОВА, санъатшунос.





РИМ

АҚШ ГЕРБДА ОРЛАН ЎРНИГА (БЕРКУТ) БУРГУТ РАСМИ ЧИЗИЛГАН ЭКАН...

Маълумки, Америка Қўшма Штатларининг Давлат гербда Шимолий Американинг мағрур куши орлан тасвири бор. Унинг қанотлари узунлиги 2,5 метр. Бироқ, бу куш расми гербда аниқ-тиниқ акс этишига анча узоқ вақт кетган. Аввал мамлакатнинг ўша вақтдаги президенти Бенжамин Франклин (1706-1790 йиллар) гербда бу куш расми бўлишига қарши турди.

Ниҳоят, 1841 йили орлан расми гербга расмий рухсат олди, лекин у гербда

ҳам, барча қимматли қоғозларда ҳам тасвирда хатолик билан муҳрланди.

Тасвирда куш таяниб турган панжараю кафтлари билан акс этирилган эди. Бу хатони орадан 41 йил ўтганда сезиб қолдилар ва расмга тузатиш киритилди. Ҳамма жойда, ҳамма давлат ҳужжатларидаги герб тасвирлари тузатилди. Бироқ, хатонинг бир учи барибир қолиб кетди: АҚШнинг 20 долларлик банкотидаги куш Орлан эмас, бургут тасвирлигича қолиб кетди.



Сурат қайси спорт туридан олинган?


НГУЕН МИНЬ ТЬЮКНИНГ АЙИҚ ФЕРМАСИ

Вьетнам пойтахти Анойда бир ферма бор. Унда Тьюк исми фермер бир эмас, 16 та айиқни меҳр билан парваришлайди. Бу иш осон эмаслигини яхши биласиз. Ахир не-не қуролланган кишилар ҳам бу маймоқ оёқлар ёнига ўйлашиб яқин борадилар.

Ёш иқтисодчилар балки беҳабардир: бундан 25 йил муқаддам Андижон шаҳрига кўчма ҳайвонот боғи борган эди. Томошабин болалардан бири қафас ичидаги айиқполвонга илиниб олма ташлабди. Олма қафас деворига яқин жойга тушибди. Шунда болакай олмани ичкарироққа суриб қўймоқчи бўлиб, оёғини темир қафас ичига тикади-ю... Ана шу болакай бир умрга ногирон бўлиб қолган. Айиқ унинг оёғини еб қўйган! Ўтган йили москвалик бир айиқ шайдосининг онаси ва боласини ҳам уйда ўзи боқаётган айиқ еб паққос туширган. Шунақа, ҳайвон - барибир ҳайвон-да! Ваҳший доим ваҳшийлигича қолади.

Лекин ҳаёт, бойлик орттириш иштиёқи вьетнамлик фермернинг бутун ўй-фикрини ўғирлаган. Ахир у бу айиқлари вужудидан сафро (желчь) олади ва уни тиббиёт муассасаларига сотиб ҳар йили ўнлаб миллион доллар фойда кўради. Хирургик йўл билан зардоб топширган айиқларнинг саломатлигини тиклаш учун уларни бир ярим ой алоҳида парвариш қилишга тўғри келади.

Ким билсин дейсиз, балки Нгуен Минь Тьюк балки бемор одамларга шифо бўлувчи зардоб етиштириш гаштида йиртқич ҳайвонлар билан дўстлашгандир.



... СОҚОЛ ҚЎЙИШ ТАЪҚИҚЛАНГАН ЭДИ


Маълумки, қадим Русда эркалар соч-соқолини олдирмай, ҳатто қиртишламай ҳамма ёқни паҳмоқсоқол босиб кетганди. Кийимлари ҳам алламбалога ўхшар, ким нимани топса ўшани илиб юраверди. Она халқининг маънавиятини кийиниш муданиятидан бошлашга аҳд қилган ҳукмдор Пётр

биринчи соқол ўстириб юришни маън этувчи буйруқ чиқарди. Бу ҳужжатда Рус аҳли - эркагу аёл, болалару ёшлар замонавий, хушбичим Европача кийинишга ўтиши қонунлаштирилган эди. Пётр биринчининг ана шу буйруғи бундан 300 йил олдин, яъни 1698 йилда чиққан эди.

ҚУЁШ ТОЖИДАН НАМУНА ОЛИШМОҚЧИ

Американинг НАСА космик агентлиги инсониятни ҳамиша қизиқтириб келаётган дунёда биз - ерликлар яғонамизми ёки бошқа оламларда ҳам одамлар борми, деган саволга жавоб излашга астойдил киришди. Америкаликлар бу саволга 2006 йилгача жавоб топишмоқчи.

НАСанинг узоқ муддатга мўлжалланган астробиологик дастурига биноан Сатурн сайёраси томон "Кассини" деб номланган аппарат учирилди. Шу йилнинг декабрида Марсга томон



бошқарувчи учувчисиз техник экспедиция йўлга чиқади. "Галилей" лойиҳаси бўйича Юпитер сайёрасига учириладиган сунъий йўлдош айна кунларда синовдан ўтказилмоқда. "Генезис" аппарати эса Қуёш тожи

(қуёш тожи ҳақида "Мўъжиза китоб" саҳифамизда маълумот олишингиз мумкин)дан намуна олиб келишга мослаштирилган. "Генезис" айна вақтда Плутонга ҳам бориб келади.

НАСАчиларни қизиқтираётган энг муҳим сафар "Ёш Ерга саёҳат" лойиҳаси. Бу экспедиция океан ва чуқур ер остига кириб чиқади. Ер пўстининг туб-тубидан олинадиган намуналар таҳлиллар Ер сайёрасида кислород даври бошланишидан олдин ҳаёт қандай бўлгани кўрсатса ажабмас.

МОМОНТ ОВЛОВЧИЛАР



Энг қадимий, энг баҳайбат ҳайвон - момонтлар эканини ҳамма эшитган. Бироқ, момонт суяклари, тишлари, унинг калла чаноғини кўриш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ёқутистон президенти Михаил Николаев момонт қолдиқларини "Саха Республикасининг миллий бойлиги" деб фармон чиқаргани бежиз эмас. Абадий музликлар ўлкаси Ёқутистон ҳудудида турли қазималар чоғида бу улкан жонивор танасининг суяклари топилиб туради. Масалан, XIX аср охири аср бошларида кўрғазмага ҳар

йили 10-30 тоннадан (бивней) келтирилган.

Мангу музликлар ўлкасида югли носороғлар, бизенлар, гор шерлари (львов), ласга ўхшаган мозий ҳайвонларининг қолдиқларини учратиш мумкин.

Жаҳон илм-фани момонтлар каби улкан ҳайвонлар бундан 10 минг йил олдин - муз даврида қирилиб кетган деб ҳисобларди. Бироқ, Врангел оролидан топилган момонт суяқларини илмий (радиоуглеродли) текшириш натижаси шуни кўрсатдики, кичик момонтлар бундан 4-5 минг йил олдин ҳам яшаган экан.

Ёқутистондаги Момонт музейида бўлган киши бу улкан ҳайвоннинг тарихи, табиати ва унинг табиатдаги ўрни тўғрисида кўп нарсани билиб олади. Олимлар фикрича, ҳозирги Ҳиндистон филлари тузилиши ва табиатига жиҳатидан момонтларга энг яқин ҳайвон экан.

ЕТТИ ЭГИЗАКЛАР



Инсоният тарихида юз бермаган воқеа: Айова штати (АҚШ)нинг Кэрлиеле шаҳрида бултур етти эгизак туғилган эди. Улар ҳаммаси соғ-саломат ўсмоқда. Эгизакларнинг бахти бор экан. Уларни парвариш қилишга иштиёқмандлар жуда кўп. Ахир 28-30 ёшли оила бошлиқлари Бобби билан Кенни

Маккоуханга осон эмас. Бир кунда 40 шиша сут тайёрлаш, 250 марта йўрғаклаш, овутиш, ухлатишнинг ўзи бўладими?! Тагин бу кичкинтойларнинг ўзаро "иноқлиги"ни айтмайсизми. Биттаси йиғи чиқарса бас, бир зумда хор йиғиси бошланади.

Эгизакларга бутун шаҳар аҳли ҳомийлик қилмоқда.



КУЛГУ ЁШАРТИРАДИ

Сиқилган кишига кулгу бахш этмоқ - Билгинки, бир ботмон қанддан яхшироқ.
А.Жомий

Дарҳақиқат, табассум - табиатнинг одамларга бахш этган беғараз эҳсони, инсоннинг энг бугубор кўркидир. Ўринли кулгини донолар зах ерга тушган офтоб нурига ёхуд қақраган ерга келган сувга ўхшатишадиларки, бу бежиз эмас, албатта.

Кулги инсонга доимий йўлдош. Чақалоқнинг ҳали тили чиқмаган, лекин у оғзини очиб, қиқир-қиқир кулади. Ранг-баранг нарсалар, овқат, музыка садоси, она чехраси, қитиқлаш, чақалоқни ҳавога "отиб" ўйнаш ва ҳоказо уни кулгига мойил қилади. Гўдак каттароқ бўлгач эса, ўзининг ширин тили билан, антиқа қизиқлари билан катталарни кулдиргани-кулдирган.

Кулгини келтириб чиқарувчи талайгина ҳис-туйғуларни санаб кўрсатиш мумкин: мамнунлик, кувонч, захарханда, тантана, лаззатланиш ва бошқалар.

Табассум дунёдаги ҳамма халқларда мамнунлик, хурсандчилик аломати саналади.

Буюк инглиз олими Чарлз Дарвин "Ҳайвон ва одамларнинг ўз ҳиссиётларини билдиришлари ҳақида" деган китобида айтишича, кулги - туғма хусусият бўлиб, фақат одамларга эмас, ҳатто баъзи юқори табақа жониворларга, масалан, маймунларга ҳам хос экан.


Олимлар кулгунинг табиатига қадим замонлардан буён қизиқиб келади. Ўтмишда "Кулги ҳақида рисола", "Кулгининг маънавий сабаблари" каби кулгига бағишланган махсус асарларнинг чоп этилиши диққатга сазовордир.

Олимларни фикрича, кулги тиббий жиҳатдан организмга ижобий таъсир қилади, соф ҳаво, шабодалек ёқади.

Жаҳл, хафақонлик юрак фаолиятига салбий таъсир кўрсатса, кулги хурсандчилик эса, аксинча, сиқилган юракка малҳамдек ёқади.


- "Агар сиз - дейди бир шифокор бемор боланинг онасига, - фарзандларингизни шод эта олсангиз, кулдира олсангиз эди, у тезда соғайиб кетар эди.

Табассумнинг ижтимоий аҳамияти ҳам бор. Қолаверса, четдан келган меҳмонлар - давлат арбоблари, сайёҳлар аввало халқларнинг чехрасига боқишади. Ҳазил-мутойибага мойил, шод ва очиқ чехрали кишиларимиз улар қалбида яхши ҳис туйғуларни уйғотади. Кулги - саломатлик рамзи, фаровон турмуш кўзгуси.




Лабиринтдан ўтишга ёрдам беринг.


ГУГУРТ ЧЎПИ БИЛАН ШАКЛЛАР ЯСАШ




Тўртта гугурт чўпининг жойини ўзгартириб 2 та квадрат ҳосил қилинг.



Тўртта гугурт чўпининг жойларини шундай ўзгартирингки, натижада учта квадрат ҳосил бўлсин ва уларнинг томонлари берилган шаклдаги ҳамма гугуртларни ўз ичига олсин.









Учта гугурт чўпининг жойини ўзгартириб 3 та квадрат ҳосил қилинг.



Тўртта гугурт чўпининг жойини ўзгартириб 4 та ўзаро тенг тўртбурчак ясанг.

66-67 СОНДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПШИРИҚЛАР ЖАВОБЛАРИ



Шоҳинур тоғларни яхши кўради. Холаси, тоғаси берган пулларни йигиб — Тошкентга кетгунча тоғдан утиб кетайлик, — деб туради. Самарқанд — Китоб довоидан утиш унинг учун мароқли томоша. Тигдай ялтираган йўллардан тикка кўтарилган қояларга юксалгач, пастда қолаётган кўкиш туманларга уранган жаннатмакон диёрни кўриб ҳайратланади:

— Узимизнинг ер ҳаммадан чиройли-я!

— Ҳа, — деб бош ирғаб қўяман турилган юртимиздан узоқлашаётганимни сезиб.

Роҳатбулоқдан мириқиб сув ичарканмиз сўрайман:

— Билдингми суви ширинлигини!

— Ҳм-м. Бу сувлар қайдан чиқяпти ўзи? — ҳайрон бўлади.

— Буми? — уйланиб қоламан. — Тошларнинг кўз ёшлари...

— Тошлар ҳам йиглайдими? — сўрайди Шоҳинур.

— Йиглайди, — дейман.

Шоҳинур яна ҳовучлаб ичаркан дейди:

— Яхтай экан...

Йўлга тушамиз. Шоҳинурнинг саволлари тугамайди. Адирларга туташиб кетган болалар оромгоҳлари бирин-кетин йўлларда қолади. — Булоқлар жуда кўп экан-а. Нимага?

Шоҳинурнинг «нимага» деб бериладиган саволига, албатта, бир ишончли, ўзимнинг тилим билан айтганда «илмий» жавоб топишим керак.

— Одамлар ер юзиде яша-

маган пайтда ҳам бу тоғлар булган. «Синдбоднинг саёҳати» киносида кўргансан-ку учар калтакесаклар, динозаврларни. Ушалар яшаган. Динозаврларнинг оёқ излари тошларда қолиб кетган.

— Қани? Қани уша тошлар? — у кўрмоқчи бўлаётгандек аланглайди.

— У жойлар бу тизмаларнинг давомида. Ичкарида. Амир Темур бобонгнинг горлари бор у томонларда. Амир

— Бобонг нима дедилар.

— Катта булавер қани, — дедилар.

Мен чала қолган гапимда давом этаман:

— Кейин кўп йиллар утган.

Ўзимизнинг ер

Балки бу ерлар катта денгиз булгандир. Зилзилалар булгандир. Ерлар силжиган. Тоғлар ҳам... Сўнг динозавр-

кесадиған, минора-ю масжидлар курадиган усталар кўп булган. Оқсаройни кўргансан-ку қандай чиройли.

— Биладан. Иккита минорасининг тепасида арк, аркда ҳовуз булган. Амир Темур уша жойдан туриб Самарқандни кўриб турган. Холам Оқсаройнинг тепасига олиб чиқувди. Уша жойдан туриб ўйимизни кўрдим.

— Катта онанг уйдан туриб «Шоҳинур-ув, ҳазин (эхтиёт)



чиққан чўққилар сафи бошлади.

— Булар адирларми, тоғларми?

— Булар ҳам тоғлар.

— Бизникидай баланд эмас-ку?

— Улар ёш тоғлар. Сен ҳам утган йиллари кичкина эдинг, усиб-усиб катта буляпсан-ку. Улар ҳам сенга ўхшаб усиб-усиб баланд тоғлар булади.


Кечга яқин азим пойтахтга кириб келамиз. Уйга ҳориб келган Шоҳинур овқатини еяремас қоғоз-қаламини олиб уйинга киришади. Сўнг қоғозлар устига бош қўйганча ухлаб қолади. Уни жойига ётқизарканман, чизган расмига узоқ тикиламан.

Найзадай тикка кўтарилган қоялар салтанати. Тепага шиддат билан кутарилган. Кутарила-кутарила булутларни тигдай ёриб, осмонга чиқиб кетган. Сўнг варақ четига қинғир-қийшиқ ҳарфлар билан катта қилиб ёзилган:

«ЎСАЁТГАН ТОҒЛАР».

Зебо МИРЗАЕВА.

ЎСАЁТГАН ТОҒЛАР



Темур Самарқандни эгаллаб подшоҳ булгунча кўп душманлар билан урушган. Шу ерларда йигитлари — жангчилари билан отларда ўтишган. Кейин уша горга беркинган.

— Уша ёққа борса буладими?

— Тоғларда юриш қийин. Унинг учун кучли, чаққон бўлиш керак. Баъзи одамлар отларда, эшакларда бора олади.

— Менам бобомга от беринг, дедим.

Куламан:

лар қирилиб кетган. Бу шундай қадимий жой. Тоғлар ҳам қадимий, қўҳна тоғлар. Қўҳна тоғларнинг булоқлари кўп бўлади...

Самарқанд йўлларидан утиб Жиззахга яқинлашамиз. Амир Темур дарвозаси деб номланган жойга келганда яна ирғиб ўрнидан туриб олади:

— Ана, горни кўрдингизми? Амир Темур бобом тоғларни кесдириб йўл очирган-а. Тошларни нима билан кесган?

— Уша пайтда машиналар бўлмаса ҳам йўл очадиган, тош

бўлгин!» дедиларми, — дейман гапига ишонмаганим учун кулиб.

— Чиникиси (чиндан ҳам кўрдим).

— Хўп, хўп, деб қўяман. «Сендайлигимда мен ёнгоқнинг тепасидан туриб Оқсаройни кўрардим. Сенга Оқсаройнинг тепасига чиқиш насиб этибди».

«Илоё, мартабанг бундан ҳам баланд бўлсин».

Қоялар ордидан адирлар тизилиб келади. Пастқам тепаликларни онда-сонда туртиб

Ал Фарзонаш

(Охири. Боши ўтган сонларда.)
(Эшикдан навкар кириб, Фарғонийнинг келганини маълум қилди)

Навкар. — Олампаҳо! Буйругингизга биноан хузурингизга Фарғоний ташриф қилдилар.

Маъму. — Айтингиз, кирсин. (Фарғоний кириб келади ва таъзим қилиб саломлашади)

Фарғоний. — Ассалому алайкум улуғ олампаҳо (кўришадилар) Ассалому алайкум қози домла (сўрашиб кўришадилар)

Маъму. — Қани даврага марҳамат. Ўтирингиз (Фотиҳа ўқилади) Хуш келибсиз эй маърифатимиз чироғи. Соғ-омон юрибсизми?

Фарғоний. — Алҳамдулulloҳ, Оллоҳга шукр. Давлатингиз соясида соғ омонмиз. Ўзингизнинг соғлик ва саломатлигингиз яхшими?

Маъму. — Оллоҳга шукр. Раҳмат **Фарғоний.** — Сизнинг сихатингиз яхшими қози домла?

Қози. — Оллоҳга шукр. Ўзларидан сўрасак. Соғ-омонмисиз?

Фарғоний. — Эгамга шукр, раҳмат.

Маъму. — Сизни қақиртиришдан мақсад бир-икки вазифалар чиқиб қолди.

Фарғоний. — Кулогим сизда. Олампаҳо.

Маъму. — Устозингиз Хоразмий кунни кеча, сиз сафарда чоғингизда, «Китобус сурат ал арз» асарини яқунламоқ мақсадида Юнонистонга кетди. Шул боис «Илмлар уйи»нинг ишини бошқаришни ўз зиммасига олсангиз.

Фарғоний. — Бажонидил. Олампаҳо.

Маъму. — Сиз яратган айрим асбоблар, айниқса, устурлаб қози домлани қизиқтирди.

Қози. — Ҳа, фозили замон. Бу асбобингиз билан айрим муаммоларни ҳал этиш осон эрмиш.

Фарғоний. — Тўғри. Аввалги мавжуд асбобларининг кўпини мукамаллаштирдим.

Қози. — Унда менга бир мушкулотни ҳал қилиб беринг-чи.

Фарғоний. — Бош устига. Қандай мушкулот?

Қози. — Олампаҳо туй кунни қай тариқа кийинмоқлари даркор.

Фарғоний. — Мен ҳозир бу масалани ҳал қилиб берурман. Асбоблар шу саройда (чиқиб кетади).

Қози. — Айни муддао. Қани олимлар ва уларнинг асбоблари бу ҳақда не дер эркан.

Маъму. — Фарғоний ҳадсиз олим. Жуда кўп китоблар битибдурки, ҳеч кимса бу борада бунча ва бундай китоб битмагандур. Яқинда Хабашистондан қайтди. У ернинг иқлими, табиати, ҳайвон ва ўсимликларини ўрганди. Нил дарёсини текширди. Нил дарёсининг узунлиги 1110 фарсах экан.

Қози. — Бу не учун зарур?

Маъму. — Янги бир китоб битмоққа (Фарғоний кириб келди).

Қози. — Хўш, бу борада не дер.

Фарғоний. — Устурлаб, бўйига. Олампаҳо бул кунни қора либос киймоқлари зарур.

Маъму. — Не учун?

Фарғоний. — Сабабики, шу кунни

тўй бўладурган хонадонда турли матолардан парда илингай. Сиз кийган шу кийимларга ўхшаш бўлмоғи мумкин. Бу эл-улус ўртасида майда гаплар тарқалишига сабабдур.

Қози. — Таҳсинга арзийдиган ва ўтга оқил фикр.

Маъму. — Жуда тўғри.

Қози. — Эшитишимча, яқинда Хабашистон сафаридан қайтган эмушсиз.

Фарғоний. Ҳа ўн кунлар чамаси бўлди.

Қози. — У ердаги халқ ҳаёти, шарият ишлари ҳақида не дея олурсиз?

Фарғоний. — Олампаҳонинг мамлакат ишларини бошқаришдаги тартиб қоидалари у ерда ҳам овоза. Халқнинг фотимийларга қарши норозилиги кучли.

Қози. — Ҳа, динни қон билан эмас ақл-идрок билан авомга маълум қилмоқ зарур. Шариятда зўрлик қораланади.

Маъму. — Ҳақ гап. Шул сабаб амир олимлар билан бамаслаҳат иш кўрмоғи зарур.

Қози. — Олимлар мамлакатининг қудрати. Фозил ва комил одами бўлмаган мамлакат залолатга юз ўтиргай.

Маъму. — Шул сабабли ҳам «Билимлар уйи» да катта бир мактабий кўрмоқни ният қилдик. Сиз, Фарғоний, шу мактаб тарихини дўстларингиз билан ҳал қилурсиз.

Фарғоний. — Ишончингиздан миннатдорман, олампаҳо.

Қози. — Бу мактаб мамлакатни улугликка кўтаради. Сизларнинг но-



мингизни эса авлодлар шараф билан ёдга олур.

Маъму. — Иншооллоҳ.

Фарғоний. — Айтганингиз келсин.

Қози. — Омин (фотиҳа ўқур).

Маъму. — Иншооллоҳ.

Фарғоний. — Айтганингиз келсин.

Қози. — Омин (фотиҳа ўқур) Парда ёпилиб, шеър ўқилади:

*Сино-ю, Фарғоний, Беруний каби
Олимлар аслида Ҳақ севган башар.
Уларнинг номлари ўчмас абадий
Элларнинг қалбида мангуға яшар.*

*Муқаддас Туронинг кенгликлариде
Ўзбекистон номли гўзал макон бор.
Кўлаб Фарғонийлар етишган бунда
Яна етишишга катта имкон бор.*

*Бугун ҳам илмнинг сарҳадларидан,
Комиллик ахтарар бўлажак авлод.
Ҳар битта доводан ошиб ўтганда,
Боболар руҳини айламоқда шод.*

Хусан Мўминов,
Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 274- мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҶМИТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Республика «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган Мустақиллигимизнинг 7 йиллигига бағишланган анъанавий кўрик-танловнинг 1998 йилги тури якунланди. Ундан мақсад Ватанни севиш, миллий қадриятларни ардоқлаш, болалар онгига мустақиллик ва миллий давлатчилик руҳини синдириш, ёш авлодни одоб-ахлоқли, маънавий баркамол қилиб тарбиялашга ундайдиган энг яхши асарларни танлаб олиш ҳамда муаллифларини рағбатлантириш, кенг ўқувчилар оммасига етказиш эди.

Кўрик-танловга миллий давлатчилигимизни мустақамлашга, қаҳрамонлик, мардлик, инсонпарварликни шарафлашга бағишланган, қизиқарли, болалар дунёқарашини шакллантиришга ёрдам берадиган янги асарлар қабул қилиниб, улар

нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилди.

Кўрлаб қўлэмалар ичидан кўрик-танлов шартларига тўла жавоб бера оладиган бадий баркамол асарлар танлаб олинди ва куйидагилар совринли ўринларга лойиқ деб топилди. Булар: Абдурахмон Акбарнинг «Ойижоним ёпган нон», Абдулхай Носировнинг «Анжир бобо», Илхом Йўлдошевнинг «Бозор юзланган бола», Юсуф Мирюсуфзоданинг «Уйимизда офтоб бор», Муқим Қодировнинг «Она юртим» тўпламлари.

Ғолибларга пул мукофоти ва ёрликлар топширилади * * *

Шунингдек Мустақиллигимизнинг 7 йиллигига ҳамда «Оила йили»га бағишланган «Истиқлол: янги давр, янги қаҳрамон» кўрик-танлови ҳам якунланди.

Давлат матбуот қўмитаси Президентимизнинг матбуот-

ни янада фаоллаштириш, журналистлар ижодини қўллаб-қувватлаш ҳақидаги кўрсатмаларига жавобан ва мустақиллигимизнинг 7 йиллигига ҳамда «Оила йили»га бағишлаб «Истиқлол: янги давр, янги қаҳрамон» мавзуида кўрик-танлов эълон қилган эди.

Кўрик-танлов ёзувчи ва жур-

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

налистларни, ижодкор зиёлиларни Ватанимиз мустақиллиги учун курашган қаҳрамонларимиз, уларнинг беқиёс жасоратларини, мамлакатимизни мустақамлаш ва ривожлантиришга ҳисса қўшаётган фидойи замондошларимизнинг орзу-ўйлари, интилишларини ёрқин акс эттирувчи асарлар яратишга даъват этиш, мустақиллик туфайли ўз ўрнини топаётган ээгқ адириларимиз, оила ва соғлом авлод

маънавияти, муқаддам урф-одатларимиз, миллий ўзлигимиз ҳақида қимматли маълумотлар берувчи, ёшлари истиқлолимизга садоқат, Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, мардлик ва ҳалоллик руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган бадий баркамол қисса ва романлар, ўткир, долзарб публицистик мақола ва очеркларни танлаб китоб ҳолида чоп этиш мақсадида ташкил этилганди. Кўрик-танловга 30 дан ортиқ бадий асарлар, очерк ва публицистик мақолалар келди.

Ҳайъат танловга келган қўлэмаларни холис кўриб чиқиб, ғолибларни аниқлади. Бу йилги кўрик-танловда наср бўйича истеъдодли ёзувчилар Шойим Бўтаевнинг «Муюлишдаги уй», Темиреқлат Тиллаевнинг «Ворис» қиссаси, шеърий бўйича таниқли шоирлар Икром Отамуроднинг «Сопол синиқлари», Салим Ашурнинг

«Сиз эртага келасиз» тўпламлари, публицистика бўйича Султонмурод Олим, Дилбар Саидова, Мурод Калонхоновнинг мақолалари ғолиб деб топилди.

Шунингдек, энг яхши муаллиф деб, иқтисод мавзуидаги туркум китобларни ёзган Ёрқул Абдуллаев, энг яхши мусаввир деб «Вечные истины» китобини безаган Анатолий Бобров ҳамда «Маънавият гултожи» (муаллиф Олимжон Бўриев) китобининг рассоми Эркин Нурмонов, энг яхши муҳаррир деб «Бешик», «Тил», «Аввало инсон» китобларига муҳаррирлик қилган «Ёзувчи» нашриёти ходими Фароғат Камолова, матбаа ижроси жиҳатдан энг яхши китоб деб Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриётида чоп этилган Малика Абдулла-хўжаеванинг «Одам паталогияси асослари» китоби тан олинди. Ғолиблар пул ва ёрликлар билан тақдирланадилар.



«ОЙНАИ ЖАҲОН» — БОЛАЛАРГА!

СЕШАНБА, 1 СЕНТЯБРЬ

МУСТАҚИЛЛИК
БАЙРАМИНГИЗ
ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Муҳтарам ўқувчилар, азиз телемомошабинлар! 6.25 дан узлуксиз байрам дастури намойиш этилади. Унда болалар учун аталган ранг-баранг кўрсатувларни кўришга таклиф этамиз.

Ўз ТВ —2 «Ёшлар канали»

- 9.10 «Юлдузчалар».
- 10.10 «Бугуннинг боласи».
- 10.35 «Буюк Амир Темур» телевизион бадий фильм. 1—2-қисм.
- 12.30 «Буюк Амир Темур» телевизион бадий фильм. 3—4-қисм.
- 14.55 «Буюк юрт фарзандиман».
- 15.20 «Буюк Амир Темур» телевизион бадий фильм. 5—6-қисм.
- 17.50 «Катта танаффус».
- 19.15 «Синфдош».

ЎзТВ-3

18.10 «Сен ҳақингда ва сен учун». Болалар учун кўрсатув.

ЧОРШАНБА, 2 СЕНТЯБРЬ

- 8.50 «Оламга саёҳат» кинокўрсатув.
- 9.35 «Қўшигим, жон қўшигим». Кўрсатувни Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ёрматов олиб боради.
- 10.20 «Янги алифбони ўрганамиз».
- 12.05 «Шумтакалар». Мультифильм премьераси, 36-серия.
- 12.20 «Акс—садо».
- 12.50 Кундузги сеанс. «Кўҳна тоғлар қиссаси». Бадий фильм.
- 18.10 Болалар учун «Биринчи кўнгирик».
- 20.05 «Оқшом эртаклари».

Ўз.ТВ-2

- 18.05. «Мульттомоша».
- 18.20 «Катталарга совға».
- 18.40 «Семурғ».

Ўз.ТВ-3

18.10 «Сен ҳақингда ва сен учун». Болалар учун кўрсатув.

Ўз.ТВ-4

- 18.45 «Мультсайёра».
- 20.40 «Эртақнамо чоршанба».

ИСТИҚЛОЛ
ЧЕЧАГИМАН

Истиқлол чечагиман,
Ватан келажакиман,
Бағри бутун ўзбекининг,
Энг олий тилагиман.

Еттига тўлар ёшим,
Истиқлолдир тенгдошим,
Кўёш янглиғ бошимда
Парвона дўст, қардошим.

Ўзбекистон — зўр диёр,
Озод диёр, ҳур диёр
Шу диёрга муносиб
Фарзандларинг бахтиёр!

Ҳаким ТОҲИРОВ
Бухоро вилояти,
Шофиркон туманидаги
15-ўрта мактабнинг
олий тоифали муаллими.

ПАЙШАНБА, 3 СЕНТЯБРЬ

Ўз.ТВ-1

- 9.40 «Илм ўзликни билмакдир».
- 10.30 «Алифбо сабоқлари».
- 11.00 «Олимпиадачилар ора-мизда» спорт дастури.
- 12.05 Кундузги сеанс «Шахризаданинг охириги туни» бадий фильм.
- 18.10 Болалар учун «Чамандани гуллармиз».
- 20.10 «Оқшом эртаклари».

Ўз.ТВ-2

- 18.05 «Мульттомоша».
- 18.20 «Бўш ўтирма».

Ўз.ТВ-3

18.05 «Ёрилтош» мульттўпلام

Ўз.ТВ-4

- 18.45 Мультсайёра».
- 21.00 «Бу ажиб дунё».

ЖУМА, 4 СЕНТЯБРЬ

- 10.30 «Немис тили».
- 11.25 «Шумтакалар» мультфильм премьераси 38 серия.
- 11.40 «Шарқ табобати».
- 12.35 Кундузги сеанс: «Узундан узоқ иш». Бадий фильм.
- 18.10 Болалар учун: «Санъат гунчалари».
- 20.05 «Оқшом эртаклари».

Ўз.ТВ-2

- 18.05 «Мульттомоша».
- 18.20 «Умид чечаклари».

Ўз.ТВ-3

- 18.45 «Мультсайёра».
- 20.40 Болалар учун: «Бинафша».


ШАНБА, 5 СЕНТЯБРЬ

Ўз.ТВ-1

- 9.10 «Олтин тож» телеуйин.
- 9.40 «Шоҳруҳ» клуби».
- 10.00 «Дунё кўриб, дунёлар ярат!».
- 12.55 «Ўйла, изла, топ!» телемомошабақа.
- 13.25 Кундузги сеанс: «Шоқол қопқони». Бадий фильм.
- 18.00 «Мульттола».
- 19.50 Оқшом эртаклари.

Ўз.ТВ-2

Ёшлар телеканал



9.00 «Бугуннинг боласи».

9.40 «Семурғ».

11.35 «Бўш ўтирма».

18.05 Мульттомоша».

18.20 «Боланинг тили».

БЎЛАР БОЛА
БОШИДАН

Бўлар бола бошидан,
Чақнаб гўдак ёшидан,
Асов тойдек гайратда!
Ҳамма унга хайратда.

Бир ёшида бошда туг,
Бахт келди унга бўлиқ!
Иккида илик тўлди,
Чандаст, паҳлавон бўлди!

Паҳлавон уч ёшида,
Буюк ишлар бошида,
Тўртида тўрт томонда,
Номи тилда, дostonда!

Беш ёшида йигитдай,
Парвозлари булутдай,
Олти ёши — олтин ёш,
Ҳавасда ой-у қуёш.

Еттига етди ёши,
Бугун тонгда тўй оши.
Яйрар яна бир жаҳон,
Тўй ўғли — Ўзбекистон!

Тўлаи ҚЎЗИ.

Ўз.ТВ-3

- 8.00 «Мулти — пульти».
- 11.40 «Болалар экрани».
- 13.10 Ёввойи табиат».
- 18.05 «Ёрилтош» мульттўпلام.

Ўз.ТВ-4

- 10.00 Шанба эртаги.
- 18.50 «Мультсайёра».
- 19.15 «Жонли сайёра».

ЯКШАНБА, 6 СЕНТЯБРЬ

ЎзТВ-1

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

9.10 «Очиқ дарс».

12.05 Кундузги сеанс: «Сўнгги найранг».

14.45 «Нурли келажак», ўсмирлар учун видеоканал.

18.00 «Омад юлдузи», телевизион уйин.

Ўз.ТВ-2

- 9.00 «Умид чечаклари».
- 9.20 «Катта танаффус».
- 10.05 «Юлдузчалар».
- 15.05 «Синфдош».
- 15.45 «Буюк юрт фарзандиман».
- 18.05 «Мульттомоша».
- 18.20 «Эртақлар олами».

Ўз.ТВ-3

- Тошкент телеканал
- 8.00 «Ёрилтош» мульттўпلام.
- 8.20 «Бу қандай бало?».
- 10.10 «Ёввойи табиат».
- 12.15 Болалар экрани.
- 13.45 «Глобус».
- 18.05 «Мулти-пульти».
- 18.40 «Той бола» фильм концерт.

Ўз.ТВ-4

- 10.00 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
- 12.25 Кино сайёраси. «Ўзга сайёраликлар» бадий фильм.
- 18.50 «Мультсайёра».
- 19.50 «Бу ажиб дунё».

ДУШАНБА, 7 СЕНТЯБРЬ

20.05 «Оқшом эртаклари».

СЕШАНБА, 8 СЕНТЯБРЬ

Ўз.ТВ-1

20.05 «Оқшом эртаклари».

Ўз.ТВ-2

- 9.10 «Юлдузчалар».
- 10.10 «Бугуннинг боласи».

Ўз.ТВ-3

- 18.10 «Сен ҳақингда ва сен учун». Болалар учун кўрсатув.
- 18.45 «Мультсайёра».

БИРИНЧИ ТАНИШУВ

«Болалик хотиралари тиниқ бўлади» деганларича бор, ёки қайси бир адиб таъбири билан айтганда, «Бола хотираси оппоқ қоғозга ухшайди ва ундаги ёзувлар узоқ вақтларгача сақланиб қолади».

Шуниси қизиқки, инсон ҳаётида жуда кўп нарса-лар, воқеа-ҳодисалар унути-либ кетиши мумкин экан. Лекин истайсизми-йўқми, болалик хотираларини эс-дан чиқара олмайсиз киши...

Менда ҳам шундай булган эди. Бу ҳозир қарийиб уттиз беш йиллик гап.

Ушанда, биз-ун, ун беш ёшли Тошкент мактабларининг ўқувчилари «Тонг юлдузи» (аввалги «Ленин учқуни») газетаси қошида ташкил этилган «Ёш қалам-кашлар» тўгараги машгулотларига қатнашар эдик. Бир-биримизга эргашиб ё ёлғиз ўзимиз, шеър ё ҳикоя-янамо машқларимиз ёзилган ун икки варақли дафтарларимизни буклаб, тортиниб, уялиб муҳарририятга кириб келардик.

Уша болакай ва қизалоқлар орасида бугунги кунда эл назарига тушиб қолган шоир, ёзувчи ва журналистлар Рустам Обид, Адиба Қодирова, Гайрат Раҳматиллаев, Раҳима Содиқова, Хуршид Дустмуҳаммад, Умида Абдуазимова, Умида Файзиёва, Баҳром Аҳмедов, Насиба Очилова, Муҳайё Ёқубова ва бошқалар бор эдилар. Очигини айтсам, ҳаммамиз бир шаҳарда яшасак ҳам уша кезлари бир-биримизни мутлақо танимасдик. Бизни ана шу тугарак таништирган, яқинлаштирган ва дўстлаштирган эди.

Тугарак машгулотларини эса Усмон Юсупов, Маҳмуд Саъдий, Раззоқ Абдурашид, Сафар Барноев, Мурод Хидир, Файзи Шохисмоил, Тоҳир Малик сингари шоир ва адиблар ўтказишар, биз ўзимиз қоралаб келган нарсаларни ўқиб бериб, ўртада муҳокама қилардик...

Хуллас, ана уша кунларнинг бирида тўгарагимизни Ўзбекистон Радиосининг Болалар ва ўсмирлар муҳарририятига меҳмонга таклиф қилишди.

Ҳаммамизни нимқоронгу студияга олиб кириб доира стол атрофига ўтказишди. Тўгарақдошларим бир чеккадан ўзларининг шеърларини ўқий бошлашди. Мен эса ҳайрон ўтирдим. Чунки, шеър ёзмадим-да! Шунда бизни Радио уйи олдида кутиб олган, студияга бошлаб кирган ва эшиттиришни олиб бораётган ихчамгина жуссали, қорамағиздан қелган йигит мени бу ноқулай вазиятдан қутқарди. Навбат менга келганда қайси мактабда, нечанчи синфда ўқишимни, нималар ёзишимни суради ва

«Қадри болалар, кейинги эшиттиришларимиздан бирида сизларни Тошкентдаги 167-мактабнинг ўқувчиси Эркин Усмонов ҳикояларидан тинглашга таклиф эта-миз» деб таништирди. Тамом-вассалом!

Очигини айтсам, уша кун

Этаги уфққа туташган пахтазор ўртасида ёнбошлаб сигарет чекиб, узоқ-узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Ана шу ёлғиз, юзма-юз қолган кезларимиздагина у ҳиёл кулимсираб суҳбатга берилиб кетар, Ойбек, Гафур Гулом

ТўЛҚИН АКАЖИТ БАХТИ

барибир уйга хафа қайтдим. негадир бошқа тугарақдошларимга ўхшаб шеър ёзмастим ва ёзаолмаслигимдан жуда хафа бўлиб кетдим... Лекин орадан бирикки ҳафта утар-утмас, «Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» газетасида менинг «Гунафша» деган ҳикоямдан парча ва уни қайси кун эшитти-

рилиши ҳақидаги эълон босилиб чиқди. Кейин уша эшиттириш эфир тўлқинлари орқали бутун республикага берилди. Ушанда 12—13 ёшларда эдим. Ҳали мактабда ўқирдим.

Менинг илк ҳикояларимдан бирини танлаб олиб Республика Радиоси орқали эшиттирган ва бола кўнглимни чуқтиришни истамай, алоҳида гапхўрлик қилган уша йигит кейинчалик билсам, болаларнинг сеvimли шоири Тўлқин Илҳомов экан...

ЙИГИРМА ЙИЛ ЁНМА-ЁН...

«Дунёнинг ишлари» дейсизми, «фалакнинг гардиши»ми ё бир «бахтли тасодиф»ми билмадим, буни қарангки, орадан кўп йиллар ўтиб ўзим ҳам Ўзбекистон Радиосига ишга келдим. Яна Тўлқин ака билан учрашдим.

Эндиликда биз бир ташкилот ходимлари эдик. Бирга хашарларга чиқардик, гоҳ мева-чева теришга, гоҳ Радио уйининг янги биноси қурилишига чиқардик, пахта теримига борардик. Ҳамиша бирга еҳуд ёнма-ён бўлардик.

Тўлқин ака ун йил аввал кўрганимдагидек сира ўзгармаган, уша-уша самимий ва олийжаноб, ҳамешангидек ута огир ва вазмин, ута камгап ва камтар, жиддий ва сокин эди.



Тўлқин Илҳомов шогирдлари: Беҳзод, Юлдуз, Хафиза ва Зафарлар билан.

БОБО БИЛАН СУҲБАТ

- Қанча боғу далани Сувга қондирдинг, дарё?
- Тараган сувларимни Ҳисоб қилмасман асло.
- Айттинг, қанча одамга Нафингиз тегди, бобо?
- Болажон, мен ҳимматни Чўтга солмасман асло.
- Нега баъзан пичирлаб Кўясиз, айттинг, бобо.
- Ўз умримдан ўзимга Ҳисоб бераман гоҳо.
- Бобо, нега ҳассада Юрмайсиз, қилиб дўқ-дўқ?
- Ким чиниқса меҳнатда Ҳассанинг кераги йўқ.

ТўЛҚИН ИЛҲОМОВ

ЎРИК

Бобом эккан қантак ўрикнинг
Бобом каби одати ҳам бор.
Қоплаганда юлдузлар кўкни
Гўё эртак сўйлайди такрор
Бобом эккан қантак ўрикнинг
Бобом каби одати ҳам бор.
Сув қуйганда яхши кўрибми
Кафтим силар бўлиб

миннатдор.

Бобом эккан қантак ўрикнинг
Бобом каби одати ҳам бор.
Новот улашгандек бизларга
Меваларин узатар бисёр.

ва Абдулла Қаҳҳорларни кўрганлари, Гайратийнинг машҳур адабиёт тўгарагидан олган сабоқлари, Миртемир ва Зулфия, Қуддус Муҳаммадий ва Қудрат Ҳикмат, Шукур Саъдулла ва Илос Муслим, Ҳаким Назир ва Пулат Муминлар билан учрашувлари, умр бўйи ёнма-ён бўлган гузал инсон ва ижодкор Ўлмас Умарбеков ҳамда собиқ тўгарақдошлари Эркин Воҳидов, Ҳайридин Салоҳ, Сайёр, Тўлқин, Анвар Исроилов ва Анвар Эшонлар билан мулоқотлари ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилишдан чарчамасди.

Энди бундоқ уйлаб қарасам, Тўлқин ака сира ўзи ва ижоди ҳақида гапирмаган экан. Унинг табиати ўзи шунақа экан. Тўлқин акага ўхшаган камсуқум ва ҳокисор одамлар ўзларини эмас, бошқаларнинг эришган ютуқлари ва муваффақиятларидан қувониб яшар эканлар. Аслини олганда бу ҳам ўзига хос, ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган ноёб фазилат.

Яна бир қизиқ ҳолат. Мен Тўлқин ака Илҳомов билан

турибман» дейишдан нарига ўтмасди.

Купинча уни сигарет тутатган кўйи ёлғиз ўзи Радио ҳовлисини хаёлчан айланаб юганини ё қадрдон дўсти, марҳум болалар шоири Олим Маҳкаммов билан жимгина суҳбатлашиб ўтирганини кўрардим.

Бундан ҳам қизиги, ишонасизми-йўқми, у киши биронта ҳам китобчаларини дастхат ёзиб менга совга қилмаган эканлар. Мен ҳам сўрамаганман, у киши ҳам бермаган. Тўғрироғи, бунга у кишининг ута камтарлиги, тортинчоқлиги, айрим шоирлар каби «манмансираб» кетмаганлиги монелик қилган бўлиши керак.

Ҳолбуки, у кишининг «Пахтаой», «Олтин беланчак», «Ҳаёт чорлайди», «Кумуш белбоғ» сингари ўнлаб шеърини ва насрий китоблари чоп этилган, у кишининг кичкинтойларга бағишланган содда ва равон, қувноқ ва сермазмун шеър ва дostonларига таниқли бастакорлар томонидан куй басталанган, улар мактаб дарсликлариятурли тўпламларда севиб ўқиб келинарни.

«Ҳарфлар жанги» деган ниҳоятда ажойиб радио спектакли биринчи марта эшитиб ҳайратланганим ва Тўлқин акани бу ижодий муваффақият билан табриклаганимни яхши эслайман. Тўлқин ака бунга жавобан «Ҳа, энди, буям бир машқда» дея кулимсираб қўяқолган ва кейин «Ўзингиз ҳам шунақа нарсалар ёзиб берсангиз-чи», деб даъват этган эди.

Ана шунақа! Йиллар утавераркану, одам боласи, унинг феъл-атвори, табиати ўзгармас экан.

Аслида бу ҳам гузал фазилат. Негаки, Тўлқин ака роп-роса 40 йилдан бери битта жабҳада — Ўзбекистон Ра-

Қутлов

диосининг болалар ва ўсмирлар учун эшиттиришлар муҳарририятда хизмат қилиб келаяптилар. Ҳалиям ўша-ўша. Ута самимий ва олийжаноб, ута камтар ва камгап, одатдагидек огир ва вазмин...

Шу уринда, Тўлқин аканинг ун-ун беш йил аввал эълон қилинган ва кўпчилигининг диққатини ўзига тортган «Шоир билан суҳбат» деган шеърини ёдимга тушади. Назаримда, бу шеърда шоирнинг ўз қалби аксини топгандек туюлади.

- Кўзларингиз гоҳида Толгиндир нега?
- Тунларнинг қувватини Бераман шеърга.
- Манглайда кўзойнагу Излайсиз нени?
- Банд айлади бир ширин Туйгу тўлқини.
- Сочингизнинг кўп оқи Ё қунган қорми?
- Қор кўп ёгса тоғларга Зиёни борми?
- Чирогингиз гоҳ учар, Гоҳ ёнар тунда?
- Шеърим-болам, мен хабар Оламан ундан...

«БОЛА БЎЛИБ ҚОЛГАН ОДАМЛАР...»

Тўлқин ака Илҳомов шу кунларда 60 ёшга тўлаяптилар.

Бундоқ олиб қараганда, бу ёшга тўлган, аксарият одамлар кексайиброқ қолгандек туюладилар. Лекин бу қиёслаш бутун умрини болаликнинг беғубор оламига, болалар адабиётига бахшийда қилган фидойи кишиларга сира ярашмас экан. Зеро, болаликка хос бўлган покизалик ва ҳалоллик, соддалик ва софдиллик, меҳнатсеварлик ва чанқоқлик бунақа одамларнинг қон-қонига сингиб кетаркан. Бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак, уларнинг ўзлари ҳам «болага айланиб» қолар эканлар.

Шунинг учун бўлса керак, Ҳаким Назир ва Пулат Мумин, Носир Фозилов ва Фарҳод Мусажонов, Турсунбой Адашбоев ва Сафар Барноев сингари болаларнинг сеvimли шоир ва ёзувчилари ҳали-ҳамон ёш ва навқирон кўринадилар. Шу жумладан ҳикоямиз қаҳрамони Тўлқин Илҳомов ҳам.

Болалар учун ёзадиган ижодкорларнинг бахти ҳам шунда бўлса ажаб эмас. Ана шу бахт сизни ҳеч қачон тарк этмасин, эзгу ниятларингиз ўзингизга йўлдош бўлсин, Тўлқин ака! Бунисини энди, ўзингиздан ўтказиб ҳеч ким айта олмас керак!

Богимга сув тарайин
Меҳр сарчашмасидан.
Эгулик ниҳоллари
Қулоч ёзсин бемалол.
Мусаффо туйгуларим
Тиниш нима билмас.
Ҳалол хизматим билан
Ўзим ҳам топсам камол...
Эркин УСМОНОВ,



ИСТИҚДОЛ ЯХШИЛИК БИЛАН КЕЛДИ

Байрам шодиёнлари арафасида Темурийлар тарихи Давлат музейи олдида турмушнинг аччиқ-чучугини обдон татиган, бой ҳаётий тажрибаларга эга нуруний отахонларимизни учратдик. Ва, уларни гапга солдик.

Собиржон ЮНУСОВ — 84 ёшда. Хамза тумани, Зебо Шамсуддинова кўчаси.

— Оллоҳга шукурлар булсинким, истиқлолимизнинг етти йиллигини куриш менга ҳам насиб этди. Байрам танталарида маҳалламиз оқсоқоллари билан биргаликда Темурийлар тарихи Давлат музейини томоша қилдик. 70 йил мобайнида биз уз тарихимиздан йироқда эдик. Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Термизий, Имом Бухорий, Амир Темур сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрлари чалғитиб ўргатилди.

Темурийлар тарихи Давлат музейини томоша қи-

катан олди, 100га яқин мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Бу дегани Мустақил Ўзбекистон жаҳон миқёсига чиқди.

Илоё унга ҳеч қачон кўз тегмасин.

Ишонаманки, бизнинг фарзандларимиз Истиқлолимизнинг бундан кейинги равнақи учун бор ақлзаковатини, истеъдоди-ю салоҳиятини аямайди. Ва танга ҳамиша сидқидилдан, садоқат билан хизмат қилади.

Нишонбой АХТАМОВ — 80 ёшда.

— Боши келган яхшилиқнинг охири ҳам келади. Шунинг учун ҳам доимо яхшилиқ қилинг, яхши

Оталар дейди


лар эканман, толиққан оёқларимга куч кирди.

Азиз фарзандларим, невараларим! Мустақиллик бизга берилган улугъ неъматдир. Бу неъматни асраб-авайлаш, унга муносиб, ҳалол хизмат қилиш сизнинг бурчингиздир.

Бахриддин ТЕШАЕВ — пойтахтимиздаги «Ўрта мачит» маҳалла оқсоқоли.

— *Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда талайгина ҳаётий муаммолар уз ечимини топиб келган. Туй-маъракалар, турли хашарлар ҳам маҳалла аҳлисиз ўтмаган. Маҳалламизда 1865 хонадон, 37 миллат вакили истиқомат қилади. Демак 37 миллат болалари яшайди. Улар бир-бирлари билан узаро тил топишишади. Ахир тинчлик, тотувлик Оллоҳга ҳам бандасига ҳам хуш келадиган эзгуликдир.*

Қаранг, бутунги кунда Ўзбекистонимизни 130дан ошиқ мамла-



инсонларга ёндошинг.

Бугун Мустақиллигимизнинг етти йиллигини нишонлаяпмиз. Невара, чевараларимиз қадамни кузатаман, мустақил, даял. Улар билан гаплашсангиз, сузлари ҳам тетик, фикрлари тира. Соғлом фикр юритаётганликларини эшитиб, беихтиёр қувонасан, киши.

Истиқлол бизга яхшилиқ билан келди. Демак, унинг охири ҳам яхшилиқ. Унутмангки, азиз болажонларим, Сиз бу яхшилиқнинг давомчиларисиз!

Феруза ОДИЛОВА ёзиб олди.

Байрам дастурхони ширинликсиз булмайди. Доно ва Жамолиддинларга маза: уларникида ҳали ҳеч кимникида йўқ, таъми, мазаси «оригинал» то-

ртлар булади. улар «яхши бўлибди» дейишса, қолганларнинг дастурхонида аста секинлик билан уша ширинликлар пайдо була бошлайди. Чунки Доно

Ширин болаларга — ширинлик!


ва Жамолиддинларнинг дадаси Ҳайриддин ака Раҳматиллаев ширинпаз. «Дон Амиго» кондитер фирмасида ишлайдиган Ҳайриддин ака яратган «Юрак», «Эртақ», «Лука», «Лола», «Атиргул» каби торт ва ширин

тиб олади. Раҳматуллаев каби маҳоратли ширинликпазлар тайёрлаган маҳсулотлар билан таништириб, хоҳласангиз уларнинг қандай тайёрланиши ҳақида эринмай тушунча ҳам беради. Сиз торт ва пирожнийларни пиширишни улардан ўрганар экансиз, албатта «Ширинтой» деган қушиқни ҳиргойи қилиб туринг. Чунки қушиқда саломатлик гарови — озодлик эканлиги куйланади:

Очил дастурхон

Шавкатжоннинг севгани — Ширинчой, ширинчой. Шунга ҳамма дер уни Ширинтой, Ширинтой.

Ичар солиб новот, қанд, Ширинчой, ширинчой,



Кўл ювмас бергунча панд, Ширинтой, ширинтой.

Кўли тугул, юз қулоқ, Ширали, ширинчой. Дангаса ҳам эринчоқ Ширинтой, ширинтой

Шундай қилса бермаймиз Ширинчой, ширинчой. Искрёт деймиз, демаймиз, Ширинтой, ширинтой... Людмила КОРНИЕНКО



Мавжланиб турган анҳор буйида ёки шолিপоялар четида бир-бир қадам ташлаб юрган лайлакнинг узи ҳам не учун унинг буйни узунлигини билолмай суроққа ботгандай суроқ белгисимон буйни-

안녕하세요

우즈베키스탄

ЛАЙЛАКНИНГ БЎЙНИ НЕГА ЎЗУН?

Учинчи эртақ

ни чузиб уйчан кезади.

Ҳақиқатан ҳам, лайлакнинг буйни нега узунлиги ҳақида уйлаб

қурганмисиз?

«Сув ичига буйини тиқиб болиқ овлаш учун» дейсизми? Були-

ши мумкин. Фарғонанинг Водилида яшовчи Шерали деган уртингиз: «Лайлак учганда ҳавода уз мувозанатини сақлаши учун», — деб жавоб берди. — Оёғи узун булгани учун буйни ҳам узун, —

мағрур Гузал қизлар каби сирли, — деди.

— Йўқ, мен бир мультфильмда курганман. Лайлак — чақимчи, куринган жойга буйини чузиб, ҳамма гапни эшитиб юради, —

деди Роҳатой. Музаффар узини кулгудан зурга тийиб:

— Шуюм масала булди-ю! Аввал унинг буйни чумчуқникидек калта эди, мен оёғио буйнидан тортиб чузиб куйдим, — деб кулиб юборди.

Бу жавоблардан қайси бири турри билмадим, лекин корейларда битта латифанамо гап бор экан. Унга кура эса: Лайлакнинг боши қорнидан узокда жойлашгани учун буйни узун. Ана шунақа!

Наргиза ҚОСИМОВА, Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиати.

ТОНГ ЮЛДУЗИ Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор
РАЗЗОКОВ, Гулнора ЙУЛДО-
ШЕВА, Ҳотам АБДУРАИМОВ,
Инқилоб ЮСУПОВА, Далахон
ЁҚУБОВ, Миршохид МИР-
ҲАМИДОВ, Иноят АБДУСОА-
ТОВА, Мукаррама МУРОДОВА,
Феруза ОДИЛОВА.

**«ЁШ ИҚТИСОДЧИ»
ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР:**
Музаффар ПИРМАТОВ,
Равшан ҚАМБАРОВ,
Маҳлиё МИРСОАТОВА,
Гулнора МУҲАМЕДОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г -0247. 46.496 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00 Топширилди — 18.30 Навбатчи Озода ТУРСУНБОЕВА

• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Нашр кўрсаткичи: № 64563
• Телефон:
• 1-33-44-25
• 1-36-57-91
• 1-36-54-210